

Ойлик

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал,
1434, Муҳаррам, 1-сон

Лашуро кунн

**Болалар тарбиясидаги
29 восита**

Дармондорилар

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида ойларнинг сони осмонлару ерни яратган кундаги Аллоҳнинг битиғида бўлган ўн икки ойдир» деб марҳамат қилган Роббимизга ҳамду санолар бўлсин.

Мусулмонлар тақвимларига асос қилиб олган улуғ ҳижрат соҳиби ҳабибимиз Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга салавоту саломлар бўлсин.

Барча азиз мусулмонларни «**muslimaat.uz**» сайти ва «Омина» электрон журнали ходимлари номидан янги ҳижрий йил билан муборакбод этамиз.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан бу йилнинг инсоният учун тинчлик йили бўлишини, бандаларининг қалбига раҳматни солиб, бир-бирларига нисбатан адолатли ва раҳмдил бўлишларини сўраймиз.

Мусулмон умматини азиз қилишини, ғулув ва залолатдан Ўзи асрашини, ҳар хил фитналардан, балолардан омон қилишини тилаймиз.

Барча мўмин-мусулмонларга илм-маърифат, одоб-ахлоқни, айниқса ёшларимизга ва сатийлик йўлини, аёл-қизларимизга ҳаё-иффатни сўраймиз.

Ушбу йил хайрли, баракотли бўлсин.

Шу билан бирга, сиз азизларимиздан ҳаққимизга дуо қилишингизни, Аллоҳ таолодан ишларимизга ривож сўрашингизни илтимос қилиб қоламиз.



MUSLIMAAT.UZ


*«Омина» электрон журналининг
ҳайъат аъзолари:*

*Дилором Ғозиева
Нозима Муратова
Назокат Қосимова
Дилафруз Юсупова
Оминахон Муҳаммад Юсуф
Одинахон Муҳаммад Юсуф
Наргиза Атажанова*

*Дизайнер: Равшан Маликов
Муҳаррир: Барно Саидраҳмон*

Электрон манзил: muslimalar1@gmail.com

Эҳтиром ила «muslimaat.uz» сайти ва «Омина» электрон журнали ходимлари.



Албатта, Аллоҳ Одамни, Нухни, Оли Иброҳимни ва Оли Имронни оламлар узра танлаб олди.

Баъзилари баъзиларига зурриётдир. Аллоҳ ўта эшитувчидир, ўта билувчидир.

Ушбу оятлар аввалида Аллоҳ таоло Одам ва Нух алайҳиссаломларнинг ёлғиз ўзларини, Иброҳим ва Имрон алайҳиссаломларни эса сулолаларини ҳам кўшиб зикр қилди:

«Албатта, Аллоҳ Одамни, Нухни, Оли Иброҳимни ва Оли Имронни оламлар узра танлаб олди».

Нега? Чунки Одам ва Нух алайҳиссаломлар ёлғиз ўзлари пайғамбар бўлганлар. Иброҳим ва Имрон алайҳиссаломларнинг зурриётларидан эса бевосита пайғамбарлар сулоласи тарқалган. Бу насаб ёки қариндошлик асосидаги пайғамбарлик сулоласи эмас, балки ақийда асосидаги сулоладир. Бу ҳақиқат Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга илтижо қилиб, зурриётларидан ҳам пайғамбар чиқаришини сўраганларида баён қилинган (*Бақара сураси*).

Кейинги оят Оли Иброҳим ва Оли Имрон орасида қариндошлик борлигини таъкидлайди:

«Баъзилари баъзиларига зурриётдир».

Ушбу умумий баъндан сўнг бевосита Оли Имрон ҳақида ва Биби Марямнинг таваллудлари ҳақида сўз очилади.

Имроннинг хотини: «Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим. Бас, мендан қабул эт. Албатта, Сен Ўзинг ўта эшитувчисан, ўта билувчисан», деганини эсла!

Оятни ўқиган ёки эшитган одам ҳазрати Имроннинг хотинлари – Биби Марямнинг оналари нақадар такводор, художўй, бутун вужуди билан Аллоҳга ёқадиган иш қилишга уринадиган зот эканини дарров англайди. Ҳамда Аллоҳ таоло Имроннинг аҳлини бекорга одамлар ичидан танлаб, саралаб олмганини тушуниб етади. Одатда ҳомиладор аёл бўлғуси фарзандини, жигарининг бир парчасини ўзидан ҳам устун кўяди. Ҳазрати Имроннинг аёли ана шундай азиз жигарпорасини Аллоҳга холис назр қилмоқда:

«Имроннинг хотини: «Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим...»

Яъни холис ният билан, бирорга шартсиз, ўртага ҳеч қандай ҳақ ҳам киритмасдан, ҳамма нарсадан озод бўлган ҳолда назр қилмоқда. Боз устига, яна Аллоҳга илтижони кучайтириб:

«Бас, мендан қабул эт. Албатта, Сен Ўзинг ўта эшитувчисан, ўта билувчисан», демоқда. Булар олий даражадаги такво ва Аллоҳнинг йўлидаги фидокорлик намунасидир.

Уни тукқан чоғида: «Роббим, мен буни қиз туғдим-ку!!! – Ҳолбуки, Аллоҳ у нима тукқанини яхши билади. – Ўғил қиздек эмас. Ва мен унга

Марям деб исм қўйдим ва албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига қувилган шайтондан паноҳ тиларман», деди.

Ўша вақтларда ибодатхоналарга фақат ўғил болалар назр қилинар эди. Имрон алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам ҳомиладорлик вақтларида, ўғил туғсам керак, деган гумон билан аввалдан назр қилган эди. Вақти-соати етиб, кўзи ёриган чоғида қараса, қиз туғибди. Ўз-ўзидан савол пайдо бўлди: назрга атаб қўйилган ҳомила ўғил бўлмади, ўғил туғилганида-ку, ҳеч қандай саволга ўрин қолмай, ибодатхонага топширилар эди, энди нима бўлади? Шу масалани билиш мақсадида:

«Уни тукқан чоғида: «Роббим, мен буни қиз туғдим-ку!» деди.

«Ҳолбуки, Аллоҳ у нима тукқанини яхши билади».

Лекин Имрон алайҳиссаломнинг хотинлари назарида ибодатхона хизматида қиз бола ўғил болачалик бўла олмайди:

«Ўғил қиздек эмас», дейди.

Кейин оналик меҳри жўшиб, гапнинг давомида:

«Ва мен унга Марям деб исм қўйдим ва албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига қувилган шайтондан паноҳ тиларман», деб дуо қилади.

Мусаффо оналик қалби шу – доимо ўзидан кечиб бўлса ҳам боласига – зурриётига камол, тинчлик-омонлик ва яхшилиқ тилайди.

Бас, уни Робби чиройли қабул қилиб, чиройли ўстирди ва Закариёни унга кафил қилди. Закариё ҳар сафар унинг олдига – меҳробга кирганида, унинг ҳузурда ризқ кўрди. У: «Эй Марям, сенга бу қаердан?» деди. «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишига беҳисоб ризқ берур», деди.

Меҳрибон онаизорнинг ихлосига яраша, холисона қилган назрига биноан, дуоларини қабул қилган ҳолда:

«Бас, уни Робби чиройли қабул қилиб, чиройли ўстирди...»

Яъни Аллоҳ таоло қиз бола бўлса ҳам, Марямни назр сифатида жуда яхши қабул қилиб олди ва у қизни ажойиб бир ҳолда ўстирди.

«...ва Закариёни унга кафил қилди».

Закариё алайҳиссалом Ҳорун алайҳиссаломнинг зурриётидан эдилар. Яҳудийларнинг «Ҳайкал» деб номланган асосий ибодатхонасининг хизматини қилиш шу авлодга насиб қилган эди. Ўша пайтда Закариё алайҳиссалом «Ҳайкал» ибодатхонаси бошлиғи эдилар. Шундай қилиб, Марям алоҳида эътибор остида муборак бўлиб ўса борди. Аллоҳнинг Ўзи унга иноят кўрсатиб турди.

«Закариё ҳар сафар унинг олдига – меҳробга кирганида, унинг ҳузурда ризқ кўрди».

Табийки, Закариё алайҳиссалом Марямнинг кафили сифатида унинг озик-овқати, ризқидан доимо хабардор бўлиб туриши лозим. Лекин ибодатхона меҳробида ибодат билан машғул бўлиб турган Марямнинг олдига қачон кирса, унинг ҳузурда ризқ турар эди. Бу ризқни ўзи келтирмаганини яхши билган Закариё алайҳиссалом ажабланиб, Марямга:

«Эй Марям, сенга бу қаердан?» деди».

Пайғамбар Закариё алайҳиссаломники, таажжубга солибдими, демак, албатта, у ризқнинг манбаи эътиборга лойиқдир.

Марям эса бу манбадан хабардор, шунинг учун бамайлихотир:

«Бу Аллоҳнинг ҳузурдан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисига беҳисоб ризқ берур», деди».

Бу манзарани кўриб туриб, бефарзанд юрган Закариё алайҳиссаломда янгидан фарзандли бўлиш ҳаваси уйғонди:

Шу чоғда Закариё Роббига дуо қилиб: «Роббим, менга Ўз ҳузурингдан покиза зурриёт ҳадя эт. Албатта, Сен дуони эшитувчисан», деди».

Закариё алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг дуоларни эшитувчи эканига тўла ишонч билан дуо қилди. Шунинг учун ҳам одатда бефарзанд катта ёшдаги кишиларнинг фарзанд кўриши эҳтимолдан йироқ бўлса-да, Аллоҳ бу дуони қабул этди.

Меҳробда намоз ўқиб турганида, фаришталар унга: «Албатта, Аллоҳ сенга Аллоҳдан бўлган «калима»ни тасдиқловчи, пешво, шахвати тийилган, набий ҳамда солихлардан бўлган Яхёнинг хушхабарини бермоқда», деб нидо қилдилар».

Закариё алайҳиссаломнинг чин дилдан қилган дуолари қабул бўлди. Аллоҳнинг фаришталари келиб, у кишига суюнчилик хабарини етказдилар.

Аллоҳ Закариё алайҳиссаломга ўғил фарзанд беришни ирода қилди. Ҳали онаси унга ҳомиладор бўлмасидан, исми ҳам тайин: Яхё. У фарзанд мўмин-мусулмон фарзанд бўлиши ҳам аниқ:

«...Аллоҳдан бўлган «калима»ни тасдиқловчи...»

Бўлғуси фарзанднинг сифатларидан яна бири:

«...шахвати тийилган...»

Яъни аёлларга нисбатан бўладиган рағбатини жиловлаб юрувчи.

Шу жойда таъкидлаб ўтиш керакки, Қуръони Карим оятида бу сифат «ҳасурон» лафзи билан келган. Бу сўз «эркаклиги йўқ» деб ҳам тушунилади. Баъзи яхши тушунмаган одамлар Яхё алайҳиссаломга ҳам ушбу маънони нисбат берадилар. Улуғ тафсирчиларимиз бу фикр мутлақо нотўғри эканини қайта-қайта таъкидлаганлар. Чунки эркаклиги йўқ бўлиш катта айб ҳисобланади. Пайғамбарлар эса айблардан холи

зотлардир. Яхё алайҳиссаломда бу жисмоний камолот мавжуд бўлган, лекин Аллоҳ таоло у кишига аёл зотига нисбатан бўлган шахватни тийиш қобилиятини берган.

Яна бўлажак Яхё исмли фарзанд солих пайғамбарлардан бўлишининг башорати ҳам таъкидланмоқда.

Бу хабар Закариё алайҳиссаломнинг ўзларини ҳам шошириб қўйди. Пайғамбар бўлсалар-да, барибир инсонликларига бориб, бу мўъжиза қай тариқа юзага келишини билишга ошиқдилар.

У: «Роббим, менга ўғил қаёқдан бўлсин?! Ахир менга кексалик етган ва хотиним туғмас бўлса?!» деди. У Зот: «Ана шундай. Аллоҳ хоҳлаганини қиладир», деди».

Закариё алайҳиссаломнинг ажабланишлари ҳам бежиз эмас. Инсонларга хос билим ва одатга кўра ҳукм қилинса, у кишининг фарзанд кўришлари ҳеч мумкин эмас. Чунки у кишининг ўзлари жуда кекса ёшдалар. Ривоятларда келишича, ўша пайтда бир юз йигирма ёшга кирган эдилар. Бунинг устига, хотинларининг туғмаслиги ҳам маълум ва машҳур эди. Фарзандсизликка бир эмас, икки сабаб мавжуд. Шу боисдан ҳам фаришталар суюнчилик хабар келтирганларида:

«У: «Роббим, менга ўғил қаёқдан бўлсин?! Ахир менга кексалик етган ва хотиним туғмас бўлса?!» деди».

Лекин Аллоҳнинг қатъий жавоби ҳамма нарсани ўз ўрнига туширди. Аллоҳ:

«Ана шундай. Аллоҳ хоҳлаганини қиладир», деди».

Фарзандсизликнинг юқорида зикр этилган сабаблари инсонлар учун мушкул сабаблардир. Лекин бу сабабларни бартараф этиш, ҳатто ўша сабаблар мавжуд бўлиб турган ҳолатда ҳам фарзанд ато этиш Аллоҳга жуда осондир. У Зот хоҳласа бас, бўлади. Хоҳласа, бир юз йигирма ёшли чол ҳам фарзанд кўради. Аллоҳ хоҳласа, ҳатто туғмас аёлга ҳам фарзанд беради. Агар хоҳласа, бир юз йигирма ёшли қари чол ва туғмас хотиндан ҳатто пайғамбар туғилишини жорий қилади. Бу ишлар Унинг учун ҳеч гап эмас.

Узоқ вақт орзиқиб кутган нарсасининг башорати келса, ҳар қандай инсон ўзини йўқотиб қўйганидек, Закариё алайҳиссаломда ҳам инсонларга хос ҳаяжонли ҳолат юз бериб, қайта-қайта савол берар эдилар:

У: «Роббим, менга бир белги қилиб бер», деди. У Зот: «Сенинг белгинг уч кун одамларга фақат имо-ишора билан гапиришингдир. Роббингни кўп зикр қил ва эртаю кеч поклаб ёд эт!» деди».

Закариё алайҳиссалом ўзларининг фарзанд кўришларига иштиёқлари зўрлигидан, кампирлари ҳомиладор бўлган заҳотиёқ билишни хоҳлаб, Аллоҳдан бир белги сўрадилар:

«У: «Роббим, менга бир белги қилиб бер», деди».

Аллоҳ таоло шундай белгини берди:

«У Зот: «Сенинг белгинг уч кун одамларга фақат имо-ишора билан гапиришингдир. Роббингни кўп зикр қил ва эртаю кеч поклаб ёд эт!» деди».

Ўзлари соғ-саломат турсалар ҳам, Закариё алай-ҳиссаломнинг уч кун давомида одамларга одатдагидек гапира олмай қолишлари кампирларининг ҳомиладор бўлганлигига аломат қилиб белгиланди. Бу орада одамлар билан фақат имо-ишора орқали муомала қиладилар. Лекин Аллоҳни зикр қилсалар, тиллари ишлайверади. Бундай улуғ неъмат учун Роббини кўп эслаш ва эртаю кеч тасбеҳ айтиш керак. Шундай бўлди ҳам.

Қари чол ва туғмас кампирдан ўғил фарзанд туғилиши ҳақидаги ушбу ғаройиб қисса тугаганидан сўнг ундан ҳам ғаройиброқ қисса бошланади:

Эсла, вақтики, фаришталар дедилар: «Эй Марям, албатта, Аллоҳ сени мусаффо қилди, поклади ва оламлардаги аёллар узра танлаб олди.

Эй Марям, Роббингга итоаткор бўл, Унга сажда қил ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қил».

Биби Марямнинг бошидан кечган ҳодисанинг ҳақиқатини Қуръони Карим рўйи-рост ҳикоя қилмоқда. Яъни Марямни Аллоҳ танлаб олганини, у зотнинг бошқалар каби оддий эмасликларини баён этмоқда. Шу билан бирга, у кишининг, насоролар даъво қилаётганларидек, «она худо» ёки «худонинг хотини» ҳам эмасликларини билвосита таъкидламоқда:

«Эй Марям, албатта, Аллоҳ сени мусаффо қилди, поклади...» дейишнинг улкан маъноси бор. Чунки Биби Марям ҳазрати Йисони тукқанларидан кейин у кишига турли нопок тухматлар бўлади. Ҳозирдан ана шу бўлғуси тухматлар рад этилмоқда.

«...ва оламлардаги аёллар узра танлаб олди».

Ушбу жумланинг ўзи буюк бир мўъжизадир. Тасаввур қилинг: Ислом дини таълимотлари туша бошлагач, масиҳийлар билан қаттиқ тортишувлар бўлди, «Кимнинг дини афзал?» деган савол кўндаланг турди. Албатта, бундай ҳолда ҳамма ўз динининг афзаллигини изҳор қилишга уринади. Шундай бир пайтда фақат илоҳий каломгина бу жасоратли сўзни айтиши мумкин. Ўзига қарши тарафнинг вакилини «оламдаги аёлларнинг энг яхшиси» дейиш ҳазилакам гап эмас! Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳақиқий пайғамбар бўлганликлари учунгина бу ҳақиқат ошқора айтилди.

Юқоридаги иккинчи оятда фаришталар Биби Марямни давомли тоат-ибодатда, ҳушуъ-хузуъда, сужуд-рукуъда бўлишга чорламоқдалар:

«Эй Марям, Роббингга итоаткор бўл, Унга сажда қил ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қил».

Бу нарсалар улкан ишга тайёргарлик эди.

Келаси оят бу қиссаларни келтиришнинг ҳикматларидан бирига ишора қилади. У ҳам бўлса, Муҳаммад алайҳиссаломга келаётган хабарлар ҳақиқий ваҳий эканини исбот қилишдир.

Бу ғайб хабарларидан бўлиб, уни сенга ваҳий қилмоқдамиз. Марямни қай бирлари кафилликка олишга қаламларини ташлашаётганларида олдиларида эмасдинг, тортишаётганларида ҳам олдиларида эмасдинг.

Биби Марямнинг оналарининг исми Ҳинна эди. У киши Марямни тукқанларидан кейин ваъдасига вафо қилиб, янги йўргакланган чақалокни яҳудийларнинг «Ҳайкал» ибодатхонасига олиб келиб, у ердаги диний ходимларнинг олдига қўйибди ва: «Бу назр қилинган кизни олинглар», дебди. Шунда улар «Мен оламан, мен оламан», деб талашиб кетибдилар. Чунки қизча уларнинг бошлиқлари ҳазрати Имроннинг кизи эдида! Албатта, бу ишлар Муҳаммад алайҳиссаломга қоронғи, ғайб ишлар эди. Бу маълумотларни у зот фақат Қуръон келтирган хабардан билмоқдалар:

«Бу ғайб хабарларидан бўлиб, уни сенга ваҳий қилмоқдамиз».

Бир нарса устида бир неча киши талашса, яна ҳам-малари у нарсага баробар ҳақдор бўлишса, одатда қуръа ташланади. Марямга кафилликни талашганлар ҳам шу каби вазиятга тушиб қолдилар. Шунда улар ўртасида «қаламларини ташлаш» бўлиб ўтди.

«Марямни қай бирлари кафилликка олишга қаламларини ташлашаётганларида олдиларида эмасдинг, тортишаётганларида ҳам олдиларида эмасдинг».

Оят «қалам ташлаш»нинг тафсилотини ёритмайди. Ривоятларда келишича, улар қаламларини Урдун дарёсига ташлашган экан. Ҳамманинг қалами оқиб кетиб, Закариё алайҳиссаломнинг қаламлари окмай, туриб қолибди. Шунини аломат деб фаҳмлаб, Марямни у киши олишларига рози бўлишган экан.

Аҳли китоблар тарихида кечган бу сирли ҳодисаларни ёритиб бериш билан Муҳаммад алайҳиссалом ҳақ пайғамбар эканликлари исбот қилинмоқда. Чунки Аллоҳдан хабар келмаса, у киши бу воқеаларни майда-чуйда ҳолатларигача аниқ билишлари мумкин эмас эди. Ушбу хабарлар ниҳоятда тўғрилигидан ояти карима нозил бўлган ўша вақтдаги аҳли китоблар ушбу оятларга қарши чурқ эта олмаганлар. Агар ҳақ бўлмаганида, Қуръонни ва Пайғамбарни камситишга имконият ва айб излаб юрган аҳли китоблар уларни дарров дўмбира қилган бўлишарди.

«Тафсири Ҳилол»дан
(Оли Имрон сураси, 33-44-оятлар)

АШУРО КУНИ

«Ашуро» сўзи луғатда «ўнинчи кун» деган маънони билдиради. Мухаррам ойининг ўнинчи куни Ашуро номи билан машҳур бўлган.

۳۰۳۱ - عَنِ الْحَكَمِ بْنِ الْأَعْرَجِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَنْتَهَيْتُ إِلَى ابْنِ عَبَّاسٍ وَهُوَ مُتَوَسِّدٌ رِءَاءَهُ عِنْدَ زَمَزَمَ فَقُلْتُ لَهُ: أَخْبِرْنِي عَنْ صَوْمِ عَاشُورَاءَ فَقَالَ: إِذَا رَأَيْتَ هَلَالَ الْمُحَرَّمِ فَاعْدُدْ وَأَصْبِحِ يَوْمَ التَّاسِعِ صَائِمًا قُلْتُ: هَكَذَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصُومُهُ قَالَ: نَعَمْ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Ҳакам ибн Аъраж розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Замзам олдида ридоси устида ёнбошлаб ётган Ибн Аббоснинг хузурига бориб:

«Менга Ашуро рўзаси ҳақида хабар бер», дедим.

«Қачон Мухаррамнинг хилолини кўрсанг, санаб бор. Тўққизинчи куни рўза тутган ҳолда тонг оттир», деди у. Мен:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унинг рўзасини шундай қилиб тутар эдиларми?» дедим.

«Ҳа», деди у».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Аввало ривоят ровийси Ҳакам ибн Аъраж розияллоҳу анху билан танишиб қўййлик:

Ҳакам ибн Абдуллоҳ ибн Исҳоқ Аъраж Басрий тобеъинлардан бўлиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини Ибн Аббос, Ибн Умар, Имрон ибн Ҳусойн, Маъқал ибн Ясор, Абу Бақра, Абу Ҳурайралар орқали ривоят қил-

дилар. Бу ҳадислар унча кўп бўлмаса ҳам лекин ишончлидир.

Биз танишган ривоятда Ашуро рўзаси Мухаррам ойининг тўққизинчи куни тутилиши ҳақида сўз кетмокда. Нима учун бундай эканлиги ҳақида сўз юритишдан олдин бу масалага оид бошқа ҳадисларни ҳам кўриб чиқсак, яхши бўлар, деган умиддамиз.

۴۰۳۱ - عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: صَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ عَاشُورَاءَ وَأَمَرَ بِصِيَامِهِ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّهُ يَوْمٌ تُعَظَّمُهُ الْيَهُودُ وَالنَّصَارَى قَالَ: فَإِذَا كَانَ الْعَامُ الْمُقْبِلُ إِنْ شَاءَ اللَّهُ صُمْنَا الْيَوْمَ التَّاسِعَ فَلَمْ يَأْتِ الْعَامُ الْمُقْبِلُ حَتَّى تُؤْفَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Ашуро куни рўзасини тутдилар ва у куннинг рўзасини тутишга амр қилдилар.

Одамлар:

«Эй Аллохнинг Расули, яҳудий ва насоролар бу кунни улуғлайдилар», дейишди.

У зот соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Келаси йил бўлганда, иншааллоҳ, (ўнинчи билан бирга) тўққизинчи куннинг рўзасини (ҳам) тутамиз», дедилар.

Бас, келаси йил бўлмасдан туриб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам вафот этдилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилиган.

Шарҳ: Набий соллalloҳу алайҳи васаллам ўзлари Ашуро куни рўзасини тутиб, умматларига

хам ўша куннинг рўзасини тутишни амр қилганларида баъзи хабардор саҳобийлар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга яҳудий ва насороларнинг Ашуро кунини улуғлашларини эслатдилар. Чунки саҳобаи киромлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яҳудий ва насороларникига ўхшаган ишни қилмасликларини, доимо уларникидан бошқача, Ислом умматига хос иш қилишларини яхши билар эдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо саҳобаи киромларни бошқа дийн эгаларига ўхшашдан, уларга эргашишдан қайтариб келар эдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромларнинг Ашуро куни рўзаси ҳақидаги хабарларини бағрикенглик билан қабул қилиб олдилар. Уни ҳисобга олдилар ва янаги йили яҳудий ва насороларга ўхшаб, Муҳаррам ойининг фақат ўнинчи кунининг эмас, балки уларга хилоф қилиб, тўққизинчи кунининг рўзасини ҳам тутишларини айтдилар. Аммо ўзлари келгуси йилнинг Ашуро куни келмасидан Рафиқи Аълога рихлат қилдилар.

Лекин гаплари ўз кучида қолди. Барча мўмин-мусулмонлар у зотнинг айтганларини қилиб, Муҳаррам ойининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўзасини тутишга одатландилар.

۵۰۳۱ - وَعَنْهُ قَالَ: أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِصَوْمِ عَاشُورَاءَ يَوْمِ الْعَاشِرِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَصَحَّحَهُ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ашуро рўзасини ўнинчи куни тутишга амр қилдилар».

Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ, деган.

Шарҳ: Бу амр аввалги ҳадисда зикр қилинган ходисалардан олдин бўлган.

Ушбу ривоятлардан чиқадиган умумий хулоса кўйидагича.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ашуро рўзасини Муҳаррамнинг ўнинчи кунида тутишга амр қилганлар, ўзлари ҳам тутганлар.

Яҳудий ва насоролар бу кунни улуғлашларини билиб қолганларидан кейин ўнинчи кунга тўққизинчи кунни ҳам қўшиб тутишга қарор қилдилар. Лекин ўзлари бу ишни қилмай туриб, вафот этдилар.

Биринчи ривоятда келганидек, Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг Ҳакам ибн Аъраж розияллоҳу анҳунинг саволига жавобан «Тўққизинчи кунни

рўза тутган холингга тонг оттир», деганлари Муҳаррам ойининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўзасини тутиш керак, деганлари, яъни, тўққизинчи кунни, сўнг ўнинчи кунни тутасан, деганлари бўлади. Зотан, Ашуро сўзининг луғавий маъноси «ўнинчи кун» эканлигини аввал ҳам айтиб ўтганмиз.

У КУН РЎЗАСИНИНГ ФАЗЛИ

– عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ يَوْمَ عَاشُورَاءَ تَصُومُهُ قُرَيْشٌ فِي الْجَاهِلِيَّةِ وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَصُومُهُ فَلَمَّا قَدِمَ الْمَدِينَةَ صَامَهُ وَأَمَرَ بِصِيَامِهِ فَلَمَّا فُرِضَ رَمَضَانُ تَرَكَ يَوْمَ عَاشُورَاءَ فَمَنْ شَاءَ صَامَهُ وَمَنْ شَاءَ تَرَكَهُ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Қурайш жоҳилият даврида Ашуро куни рўзасини тутар эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам жоҳилият даврида унинг рўзасини тутар эдилар. Мадинага келганларида ҳам унинг рўзасини тутдилар ва тутишга амр қилдилар. Рамазон фарз қилинган, Ашуро куни (рўзаси)ни тарк қилдилар. Бас, ким хоҳласа, тутар, ким хоҳласа, тарк қилар эди».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ривоятда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Ашуро куни рўзасининг тарихига оид маълумотларни келтирмоқдалар.

Қурайш мушриклари ҳам Исломдан олдинги жоҳилият даврида Ашуро куни рўзасини тутган эканлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўзларига ваҳий келиб, Пайғамбар бўлгунларича Ашуро куни рўзасини тутар эканлар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи мунавварага хижрат қилиб келганларидан кейин ҳам бир йил Ашуро рўзасини тутганлар.

Кейин эса хижратнинг иккинчи йили Рамазон рўзаси фарз бўлганда Ашуро рўзасини тарк қилиб, Рамазон рўзасини тутганлар. Одамлардан хоҳлаганлари Ашуро рўзасини тутганлар, хоҳламаганлари тутмайдиган бўлганлар.

Шу ерга келиб, Оиша онамизнинг ривоятлари тамом бўлади. Аммо биз аввал ўрганган ҳадисларимиздан кўринадики, Расулulloҳ соллалло-

ху алайҳи васаллам вафотларидан бир йил олдин Ашуро рўзасини тутганлар ва тутишга амр қилганлар. Шундай қилиб, бу куннинг рўзаси суннати муаккада бўлиб қолган.

– عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَدِمَ النَّبِيُّ ﷺ الْمَدِينَةَ فَرَأَى الْيَهُودَ تَصُومُ يَوْمَ عَاشُورَاءَ فَقَالَ: مَا هَذَا قَالُوا: هَذَا يَوْمٌ صَالِحٌ هَذَا يَوْمٌ نَجَّى اللَّهُ بَنِي إِسْرَائِيلَ مِنْ عَدُوِّهِمْ فَصَامَهُ مُوسَى قَالَ: فَأَنَا أَحَقُّ بِمُوسَى مِنْكُمْ فَصَامَهُ وَأَمَرَ بِصِيَامِهِ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага келиб, яхудийларнинг Ашуро куни рўзасини тутаётганларини кўрдилар ва:

«Бу нима?» дедилар.

«Бу солих кундир. Бу кун Аллох Бани Исроилни душманидан қутқарган кун. Ўшанда Мусо унинг рўзасини тутган», дейишди.

У зот соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мен сизлардан кўра Мусога ҳақлироқман», дедилар ва унинг рўзасини тутдилар, тутишга амр қилдилар».

Учовлари ривоят қилишган.

Шарх: Ушбу ривоятдан мусулмонлар Аллох юборган олдинги пайғамбарларга уларга эргашишни даъво қилаётганлардан кўра ҳақлироқ эканликларини кўрамиз.

Шу билан бирга, Ашуро куни улуг кун эканлиги, у кунда Аллох таоло Мусо алайҳиссалом бошлик Бани Исроилга ўз душманидан нажот берганлигини билиб оламиз.

Шунинг учун ҳам Мусо алайҳиссаломга эргашиб, у куннинг рўзасини тутиш шариатимизга киритилган. Қолаверса, бу иш Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ўзлари қилган ҳамда сиз билан бизларга амр қилинган ишдир.

Шунинг учун ҳар йили Мухаррам ойининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўзасини тутишимиз лозим.

– عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ أَهْلُ حَبْيَرٍ يَصُومُونَ يَوْمَ عَاشُورَاءَ يَتَّخِذُونَهُ عِيدًا وَيَلْبَسُونَ نِسَاءَهُمْ فِيهِ حُلِيِّهِمْ وَشَارَتُهُمْ فَقَالَ: رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَصَوْمُوهُ أَنْتُمْ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Хайбар ахли Ашуро кунининг рўзасини тутар, уни ийд қилиб, аёлларига ўша кунда тақинчоқларини тақтирар, ясантирар эдилар.

Бас, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам:
«Унинг рўзасини тутинглар», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Шарх: «Хайбар» Мадинаи мунавварага яқин жой бўлиб, у ерда яхудийлар истикомат қилар эдилар.

Хайбар яхудийларининг Ашуро куни рўза тутиб, байрам қилишлари у куннинг улуг кун эканлигидандир. Улар Пайғамбар Мусо алайҳиссаломни улуглаб рўза тутганликлари аввалги ҳадисда зикр этилган эди.

Бу ҳадисдан эса уларнинг бу куни рўза тутибгина қолмай, ҳайит ҳам қилишларини, аёлларининг ясашиб, тақинчоқларини тақиб юришларини кўряпмиз.

Мусулмонлар Мусо алайҳиссаломга яхудийлардан кўра ҳақлироқ бўлганларидан у зот қилган ишга, Ашуро рўзасини тутишга амр қилиндилар. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ҳар биримиз у куннинг рўзасини тутишга ҳаракат қилишимиз лозим.

– عَنْ سَلَمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَمَرَ النَّبِيُّ ﷺ رَجُلًا مِنْ أَسْلَمَ أَنْ أَدِّنَ فِي النَّاسِ أَنْ مَنْ كَانَ أَكَلَ فَلْيُصُمْ بِقِيَّةِ يَوْمِهِ وَمَنْ لَمْ يَكُنْ أَكَلَ فَلْيُصُمْ فَإِنَّ الْيَوْمَ يَوْمَ عَاشُورَاءَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتَّنَائِي.

Салама ибн Акваъ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Асламдан бир кишига: «Одамлар ичида ким бирор нарса еган бўлса ҳам куннинг қолганида рўза тутсин, ким емаган бўлса, у ҳам рўза тутсин. Чунки бугун Ашуро куни», деб жар чақиришга амр қилдилар».

Икки шайх ва Насий ривоят қилишган.

Шарх: Аслам – араб қабилаларидан бирининг номи. Аввалги ўрганган ривоятларимиздан маълумки, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам нима учун яхудийлар Ашуро рўзасини тутишларини билиб, у рўзани тутишга мусулмонлар ҳақлироқ эканликларига айна Ашуро куни қарор қилганлар. Кўринишидан бу иш эрталаб содир бўлган. Шунинг учун Аслам қабиласидан бўлган кишини жар чақиришга амр қилганлар. Ашуро куни нонушта қилиб олганлар ўша куннинг хурматидан кундузнинг қолган қисмида бирор нарса еб-ичмасликка, эрталабдан бирор нарса еб-ичмаганлар эса рўзани ният қилиб олишга амр қилинганлар. Бу иш ҳам Ашуро рўзасини тутиш ниҳоятда аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

عَنِ الرَّبِيعِ بْنِ مَعُوذٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: أَرْسَلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ غَدَاةً

عَاشُورَاءَ إِلَى قُرَى الْأَنْصَارِ الَّتِي حَوْلَ الْمَدِينَةِ مَنْ كَانَ أَصْبَحَ صَائِمًا فَلَيْتَمَ صَوْمُهُ وَمَنْ كَانَ أَصْبَحَ مُفْطَرًا فَلَيْتَمَ بَقِيَّةَ يَوْمِهِ فَكُنَّا بَعْدَ ذَلِكَ نَصُومُهُ وَنُصُومَ صِبْيَانِنَا الصَّغَارِ مِنْهُمْ إِنْ شَاءَ اللَّهُ وَنَذْهَبُ إِلَى الْمَسْجِدِ فَتَجْعَلُ لَهُمُ اللَّعْبَةَ مِنَ الْعِهْنِ فَإِذَا بَكَى أَحَدُهُمْ عَلَى الطَّعَامِ أَعْطَيْنَاهَا إِيَّاهُ عِنْدَ الْإِفْطَارِ.

Ар-Рубайийъ бинти Муъаввиз розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ашуро куни эрталаб ансорийларнинг Мадина атрофидаги қишлоқларига одам юбориб:

«Ким рўзадор бўлиб тонг отдирса, рўзасини охирига етказсин, кимнинг оғзи очик ҳолда тонг отдирган бўлса, куннинг қолганини (таом емай) охирига етказсин», деб айтдилар.

Бас, шундан сўнг у (куннинг) рўзасини тутадиган, ёш болаларимизга ҳам, иншааллоҳ, рўза туттирадиган бўлди. Масжидга бориб, уларга жундан ўйинчоқ қилиб берар эдик. Агар улардан бирортаси таом сўраб йиғласа, ифторгача унга ҳалиги ўйинчоқларни берар эдик».

Шарҳ: Бу ривоятда олдинги ривоятдаги маънога бир неча қўшимчалар қўшилмоқда:

1. Ашуро куни рўза тутишни, таом еб олганлар ҳам кундузнинг қолган қисмида еб-ичмай туришларини эълон қилувчи жарчи ўша куни эрталаб юборилган.

2. Жарчи Мадина атрофидаги ансорийларнинг қишлоқларида ҳам жар солган.

3. Ўша кундан бошлаб, Ашуро рўзасини тутиш одатга айланган.

4. Саҳобаи киромлар Ашуро рўзасини кичкина болаларига ҳам тутдирганлар.

5. Кичкина болалар масжидга олиб борилган.

6. Кичкина болаларга ўйинчоқ ясаб берилган.

7. Рўзадан қорни очиб, йиғлаган болаларга овутиш учун ўйинчоқ берилган. Бундан биз ҳам ўрناق олишимиз керак.

– وَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ رضي الله عنه: مَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم يَتَحَرَّى صِيَامَ يَوْمِ فَضَّلَهُ عَلَى غَيْرِهِ إِلَّا هَذَا الْيَوْمَ يَوْمَ عَاشُورَاءَ وَهَذَا الشَّهْرُ شَهْرُ رَمَضَانَ. رَوَاهُمَا الشَّيْخَانِ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бирор куннинг рўзасини бошқаларидан афзал кў-

риб, мана шу Ашуро кунидек, мана шу Рамазон ойидек излаганларини кўрмадим».

Иккала ривоятни икки шайх ривоят қилишган.

Шарҳ: Яъни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон Ашуро куни келар экан, рўзасини тутсам, деб, интиқ бўлиб турар эканлар. Бошқа бирор куннинг рўзасини тутиш учун бунчалик интизор бўлиб кутмас эканлар.

Шунингдек, Рамазон ойини ҳам қачон келар экан, рўзасини тутсам, деб, интиқ бўлиб кутар эканлар. Бошқа бирор ойнинг рўзасини тутишни бунчалик интизор бўлиб кутмас эканлар. У кишининг умматлари, яъни бизлар ҳам шундай бўлишимиз лозим.

– عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رضي الله عنه أَنَّ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: صِيَامُ يَوْمِ عَاشُورَاءَ إِيَّيَ أَحْتَسِبُ عَلَى اللَّهِ أَنْ يُكَفِّرَ السَّنَةَ الَّتِي قَبْلَهُ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ашуро кунининг рўзаси ўздан олдинги йилнинг каффороти бўлса, деб Аллоҳдан умид қилман», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу маънонинг ўзи ҳам Ашуро рўзаси қанчалар фазийлатга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Бу ҳадисларни чуқур ўрганган уламоларимиз Ашуро рўзасини тутиш суннати муаккада, деган хулосага келганлар. Ана шунга амал қилиб, ҳаммамиз бу куннинг рўзасини тутишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

– عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رضي الله عنه عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: مَنْ وَسَّعَ عَلَى عِيَالِهِ فِي يَوْمِ عَاشُورَاءَ وَسَّعَ اللَّهُ عَلَيْهِ فِي سَنَتِهِ كُلِّهَا. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ.

Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Ашуро куни аҳли аёлига кенглик яратса, Аллоҳ унга йил бўйи кенглик яратади», дедилар».

Тобароний ва Байҳақий ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ривоятдаги «кенглик яратиш»дан мақсад ейиш-ичиш, хурсандчилик маъносидаги бемалолликдир.

«Ҳадис ва ҳаёт» дан олинди.

Доктор Аҳмад Ҳажжий Курдий

ҲАРОМ ЁКИ МАКРУҲ БЎЛГАН ЗИЙНАТ ТУРЛАРИ:

1. Эркакларга тилла ила зийнатланиш ҳаром. Унда ортиқча дабдаба бўлиб, ҳаётнинг машаққатларини масъулиятини ўз елкасига олган эркакка муносиб эмасдир. Батаҳқиқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу нарсадан қаттиқ қайтарганлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ривоят қилиб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тилла узукдан қайтардилар», деган. Бу ривоятни Бухорий, Муслим ва Насайи ривоят қилишган. Насайининг яна бошқа ривояти бўлиб, унда: «Мени тилла узук тақишдан қайтардилар», дейилган.

Аёлларга тилла билан одатдаги чегарада безаниш ҳалолдир. Билал ва Ибн Аббос розияллоҳу анхулар ривоят қилишади: «Аёллар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳдларида узуклар, оёқ бармоқларига тақиладиган узуклар ва мунчоқлар тақишар эди». Шунингдек, Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Нажоший ҳадя қилган тақинчоқлар тақдим этилди. Ичида ҳабаший кўзли узук бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан юзларини ўгирган ҳолда уни чўп ёки баъзи бармоқлари билан олдилар. Сўнгра қизлари Зайнабдан бўлган Умома бинт Абул Осни чақириб: «Бу ила безангин, эй қизчам», дедилар» (Абу Довуд ривоят қилган). Ҳишом ибн Урва ибн Зубайр роҳимаҳуллоҳ ривоят қилади: «Оишада тилла узукларни кўрдим».

2. Эркак ва аёлга баробар соч улаш ҳаром. Бу ҳақда кўпгина муфассал далиллар бор. Улардан Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхулар ривоят қилинган ҳадисда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёл кишини сочига бирор нарса улашдан ман қилдилар», дейилган (Муслим ривоят қилган).

3. Аёл киши кўчага чикқанида атир сепиши (ҳаром). Аёл кишининг уй ичида, эрининг олдида хушбўйланиши мубоҳ ишдир. Агар эри талаб қилса, ораларида меҳр-муҳаббат қолиши учун бу унга ҳатто вожиб бўлади. Бу ҳақда Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анхулар ривоят қилинган ҳадисда айтилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир кўз зинокордир. Аёл киши хушбўй сепиб бир мажлисдан ўтса, бас, у шундай», дедилар». Яъни зинокор» (Термизий ривоят қилган).

Шунингдек, Абу Ҳурайра розияллоҳу анхулар ривоят қилинган ҳадисда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эркакларнинг хушбўйи ҳиди зоҳир бўлиб, ранги махфий бўлганидир. Аёлларнинг хушбўйи эса ранги зоҳир бўлиб, ҳиди махфий бўлганидир», дедилар» (Термизий ва Насайи ривоят қилишган).

4. Муслмонлардан бошқаларга ўхшашлик бор нарсалар ила зийнатланиш ҳаром. Эркак ва аёлларга баробар ҳаром. Бунда бошқаларнинг қолипига тушиш бор. Бунинг орқасида ундан кейин бошқа ишларга ҳам юриш, бошқарувчи, фаолиятли, мустақил муслмон шахсиятини зое кетказиш бор. Бу ҳақда Ҳажжож ибн Ҳассон раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинган: «Анас ибн Моликнинг олдида кирдик. Бас, опам Муғйра менга ҳадис айтди: «Сен ўша кунлари ёш бола эдинг, сенинг икки ўрим(улама соч)инг ёки икки гажак бор эди. Бошингни силадилар ва «Бу иккисини кириб олинглар ёки қирқиб ташланглар, чунки бу яҳудийларнинг кўринишидир», дедилар» (Абу Довуд ривоят қилган).

Яна шу кунларимиздаги ажнабий (чет эллик)ларга тақлид қилган ҳолда йигитларнинг сочларини узайтириши, ажнабийларга хос бош кийимлар, роҳибларнинг кийимини кийишлари ва белларини боғлашлари ва шунга ўхшаш бизга Европадан кириб келган нарсалар ҳам шу жумладандир.

5. Аёл кишининг сочини эркакларникига ўхшатиб олиши. Эркак кишининг эса сочини аёл кишиникига ўхшатиб олиши ҳаром. Шунингдек, эркак ва аёл – ҳар бирининг бошқа жинсдагиларга ўхшаб кийиниши ва зийнати ила зийнатланиши. Бу маълум турдаги шахсиятдан кечиш бўлганлиги учун ман қилингандир. Албатта, Аллоҳ таоло Ўзининг қудрати ва ҳикмати ила одамларни аёл ва эркак жинсли қилишни ва ушбу икки жинсда бир-биридан ажратиб турадиган фарқлар, бир-бирини тўлдирадиган хусусиятлар бўлишини ирода қилган. Агар бунга хилоф қилинса, кишидаги шахсият йўқолади, унинг фақат сурати қолади. Бунинг оқибатида жамият бузилади, манфаатлар жорий бўлмайди.

Бугунги кундаги аёл ва эркаклар орасида либос ва зийнатда, ҳатто юриш-туришда ҳам аралашликни ҳар қадамда учратамиз. Баъзан уларни бир қарашда ажратиб олиш қийин бўлади.

*«Ислоҳ фиқҳидаги аёлларга
оид ҳукмлар» китобидан
Одинахон Муҳаммад Юсуф таржимаси*

САВДОДА ЭҲТИКОР ҚИЛМАНГ!

Эҳтикор – озиқ-овқат маҳсулотларини қиммат бўлганда сотиш учун сақлаб туришдир. Бу тижорат ишлари билан шуғулланувчи инсонлар учун таниш бўлган ҳолат. Тижоратчиларнинг баъзилари эҳтикор ҳақида шариат уламоларига саволлар беришган. Бу савдо тури ҳаромлигини билгандан кейин ҳам кўпчилик тижоратчилар нафсларига қарши келолмаганликлари сабаблими ёки эътиборсизликлари туфайлими, бу ишда давом этаверишади. Ҳар бир касб эгаси ўз касбига оид илмларни билиши шарт.

Мусулмон одам дунёсини ўйлаб, охиратини ташлаб қўймайди, унинг учун дин ва дунё ишлари орасида фарқ бўлмайди. Дунёвий ишлар билан шуғулланувчи кишининг амалларни шариат аҳкомларига мувофиқ олиб бориши мўминларнинг Аллоҳ ва Расули севган сифатидир. Ислом шариати дунё учун ҳам, охират учун ҳам баробардир. Озиқ-овқат маҳсулотларини арзон пайтда сотиб олиб, одамлар қийналиб қолганда нархини ошириб сотадиган тижоратчилар бу дунёда инсонларга зулм қилиш билан охират учун ўзларига зарарни сотиб оладилар. Кишилар сотиб олиб, фойдаланишлари мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини йиғиб қўювчилар кишиларни ушбу маҳсулотлардан фойдаланишдан тўсдилар ва уларга зарар келтирадилар. Абу Лайс

Самарқандий айтади: «Мол тўплаш – одамларнинг ҳожати тушиб турган егулик нарсаларни ўз шаҳрида сотиб олиш ва сотишдан тўхтаб туришдир. Қайтарилган эҳтикор мана шудир». Аммо ейиладиган нарсани нобуд бўлишидан сақлаш учун ёки бошқа шаҳарга жўнатиш мақсадида олиб қўйса, у эҳтикор бўлмайди. Агар одамлар ўша нарсага ҳожатманд бўлса, афзал иш сотишдир. Уни сотишдан тўхтатиб туриш гуноҳдир.

Нияти ёмонлиги ёки мусулмонларга шафқатсизлиги учун егуликни сақлаб қўйган кишини уни сотишга мажбур қилиш лозим бўлади. Агар бундан қайтмаса, тазр ва одоб берилади. Лекин унинг нарсасига нарх қўйилмайди. Унга: «Одамлар сотгандек сотгин», дейилади. Муаммар ибн Абдуллоҳ Адавийдан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг мана бундай деганларини эшитганман: «Хатокор одам эҳтикор қилади». Азиз тижоратчилар, тижорат қилар экансиз, савдо масалалари билан қизиқиб, ушбу «эҳтикор» масаласини ҳам қўлдан келганча ўрганиб чиқишга ҳаракат қилинг. Бу мақола орқали биз сизга қисқагина тушунча бериб ўтдик. Сиз шу касб эгаси сифатида илм аҳлларида бу ҳақда сўраб, билиб олишга интилинг.

Дилором



«Мушкул кушод» ўқиш

САВОЛ: Ассалому алайкум ҳазрат. Саволим куйидагича: Муҳаррам ойида аёллар «Мушкул кушод» ўқишади.

Бу китобни ўқиш, умуман, бундай маросимлар динимизда мумкинми?

Аллоҳ рози бўлсин! Олдиндан раҳмат!

ЖАВОБ: Мумкин эмас.

Муҳаррам ойида нафл рўза тутуш

САВОЛ: Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Турмуш ўртоғимнинг авваллари тутмаган қазо рўзалари бор экан. Муҳаррам ойида тутиладиган жуда ҳам муҳим нафл рўзалари ва нафакат муҳаррам, бошқа ойдаги айрим 1-2 кунлик катта савобга эга нафл рўзалар бор. Аёлим бундай савобли нафл рўзаларнинг савобидан қолиб кетишни истамаяпти. Унинг қазо рўзаси 140 кун экан. У орада ҳозирги 2 кунлик нафл рўзаларни тутиб ўтаверса бўладими ёки нафлга ўтмасдан олдин аввалги фарз рўзаларининг қазосини тутиб бериши, уларни тутиб бўлгач, нафлга ўтиши керакми?

ЖАВОБ: Қазо рўзани тутиш нафл рўзаларнинг ҳаммасидан ҳам муҳимдир.

Аёллар ҳақида

САВОЛ: Ассалому алайкум, Шайх Ҳазратлари.

Вақтингизни олмаслик учун тўғридан-тўғри саволга ўтсам.

1. Ота-онам ҳаётлар, менинг рўзгорим алоҳида. Уйимизга борсам, опаларим, укам, синглим

ёки жиянларим нотўғри иш қилишса, ота-онам борлиги учун мен ҳеч нарса демайман. Укам ва синглимга ўзларига алоҳида тушунтираман, лекин опаларимнинг дилини оғритганман, уларнинг олдида айбдорман. Тўғриси, уларга шунинг учун ҳеч нарса деёлмайман. Лекин мен билан ишлайдиган ҳамкасб қизлар ҳам бор. Уларга ўрни келганда авратни очиш гуноҳлиги ҳақида, ҳазил оҳангида, мисол учун, калта кийим кийганларида беллари очилиб қолса, «Шуни узунроқ кийинг» ёки қўллари билан кўксиларини тўсса, «Олди ёпиқ нарса кийинг», деб айтяпман. Мақсадим, уларни ҳақ йўлга бошлаш. Лекин оиладаги тутаётган йўлим-чи? Илтимос, маслаҳат беринг, Устоз. Ассалому Алайкум.

ЖАВОБ:

Оила аъзоларингизга одоб билан танбех беришда давом этаверинг.

**Намоз масаласи**

САВОЛ: Ибн Обидийн айтади: «Рукуъ тасбеҳида қалин «З» билан «азийм», дейиладики, унинг маъноси «Роббим буюқдир» бўлади. Агар нозик «Зе» билан «азим» дейилса, бунда «Роббим менинг душманимдир», деган маъно чиқади ва намоз бузилади. Қуръони каримни лотин ҳарфларида ўрганиб ўқиган киши бу уч ҳарфни бир-биридан ажрата олмаганлигидан унинг намози саҳиҳ бўлмайди».

Устоз, ҳозирда кўпчилик намозни кирил алифбосидаги рисолалардан ўрганмоқда. Табиийки, араб лаҳжасини ўқий олмайдиган, ўзлаштира олмайдиганларга уламоларимиз қандай тавсия ва фатволар берганлар? Агар юкоридаги фатвога қараладиган бўлса, кўпчиликнинг рукуъсидаги тасбеҳи кўпол бузилган шаклда айтилмоқда.

ЖАВОБ:

Имкони борича тўғри талаффуз қилишни йўлга қўйишга уриниш лозим.

Эр аёлини ташлаб, узоқ юриши

САВОЛ: Хабарингиз бор, Ўзбекистонда кўпгина эркаклар Россияга бориб, ишлаб келишмоқда. Уларнинг аёллари уйда фарзандлари билан қолади. Тажрибаси катта оилаларда аёллар анча ақлли бўлиб қолган бўлади, лекин ёш оилаларда эрининг бундай узоқ вақт йўқ бўлиб кетганини аёллари ҳар хил тушунишади. Саволим: Эркак киши оиласини қанча вақтга ташлаб кетса бўлади?

ЖАВОБ: Тўрт ойга.

Уч талоқдан сўнг никоҳ

САВОЛ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари давомида уч талоқдан сўнг қайта никоҳга фатво берганмилар?

ЖАВОБ: Абу Соҳба розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«У киши Ибн Аббос розияллоҳу анхуга:


«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр даврлари ва Умарнинг амирлигининг уч йилида уч талоқ битта деб ҳисобланганини биласанми?» деди. Шунда Ибн Аббос:

«Ҳа, – деди. Ибн Аббос розияллоҳу анху: – Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр даврларида ва Умарнинг халифалиги-

нинг икки йилида уч талоқ биттага ўтар эди. Кейин Умар ибн Хаттоб: «Одамлар ўзлари шошилишлари керак бўлмаган нарсада шошилиб қолдилар. Агар уни ўтадиган қилиб қўйсак, қандай бўлар экан», деди ва ўтадиган қилиб қўйди», деди».

Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Ушбу ривоятда сўз «Агар эр хотинига «Сен уч талоқсан», деса ёки «Талоқ қилдим, талоқ қилдим, талоқ қилдим», деб уч марта айтса, уч талоқ тушадими ёки бир талоқми?» деган савол устида кетмоқда. Кўриниб турибдики, авваллари бир жойда бир йўла уч талоқ қилиш бир талоқ ўрнига ўтган. Аммо Ҳазрати Умар розияллоҳу анхунинг даврларида одамлар бу ишни суийстеъмол қилиб юборганларидан кейин «Бир лафз билан уч талоқ қўйса, уч талоқ тушади», деган ҳукм чиққан. Жумхури уламолар, жумладан, тўрт мазҳаб фуқоҳолари ҳам «Бир лафз билан айтилган уч талоқ уч талоқ ҳисобланади, бундай ҳолда эр-хотин ажрашади, қайта ярашиш имконига эга бўлмайдилар», дейишган. Баъзи саҳоба ва тобеъинлар, шунингдек, Моликий ва Ҳанбалий мазҳабларининг баъзи уламолари «Бир лафз билан уч талоқ қилинганда фақат бир талоқ тушади», деганлар. Далил ва ҳужжатларни солиштириб, суриштирган уламоларнинг кўплари жумхур ва тўрт мазҳабнинг қавли кучли эканлигига ишонч ҳосил қилганлар.



ЗАЙНАБ БИНТИ РАСУЛУЛЛОҲ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲО

Зайнаб розияллоху анҳо Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг қиз фарзандларидан тўнғичи бўлганлар. Зайнаб онамиз дунёга келганларида Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ўттиз ёшда эдилар.

Ҳадийжа онамизнинг ҳузурларига Ҳола бинти Хувайлид келиб, ўғли Абул Осс ибн Робийъга келинликка сўраганидан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг розиликлари билан Зайнаб онамиз холаларининг ўғли Абул Оссга турмушга чиқдилар. Бу никоҳ Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга ваҳий келишидан аввал бўлганди. Расули Акрамга ваҳий келганида Зайнаб онамиз ҳам Исломи қабул қилдилар. Ибн Исҳоқ раҳматуллоҳи алайҳи Оиша розияллоху анҳодан ривоят қиладилар:

«Аллоҳ Ўз Набийсини нубувват ила икром қилганида Ҳадийжа ва унинг қизлари Исломига келдилар». Аммо Абул Осс аввалига Исломи тан олмади. Лекин аёлининг эътиқодига қаршилик ҳам қилмади.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилиб келганларида Зайнаб розияллоху анҳо турмуш ўртоқлари билан Маккада қолдилар. Маълум вақтдан кейин бошқа аҳллари у зот алайҳиссаломнинг олдиларига ҳижрат қилиб кетганларида ҳам Зайнаб онамиз кетмадилар.

Ҳижратнинг иккинчи йили Бадр жанги бўлиб ўтди. Бу жангда Абул Осс мусулмонлар қўлига асир тушди. Асирликдан қутилгач, Зайнаб онамизни Мадинага юборишга сўз берди. Расули Акрам оилаларини олиб келиш учун Зайд ибн Хорисани юбордилар. Зайнаб онамизни Мадинага олиб борган инсон ҳам Зайд бўлди. Зайнаб онамиз Мадинага кетдилар, бироқ завжалари Маккада қолди. У киши олти йил эрларидан алоҳида яшадилар. Зайнаб онамиз Мадинага келганларида Руқайя розияллоху анҳо вафот этган эдилар.

Абул Осс яна мусулмонларнинг қўлига тушди. Ва фақат ҳазрати Зайнаб онамиз ўртага тушганлари учун қўйиб юборилди.

Абул Осс иккинчи марта асирликдан қутилгач, Маккага кетди. Омонатларини эгаларига берганидан сўнг мусулмонликни қабул қилди ва Мадинага ҳижрат қилди. Мусулмон бўлгани учун ҳазрати Зайнаб онамиз билан никоҳи янгиланди. Абул Осс Зайнаб онамизга нисбатан яхши муомалада бўлар эдилар, шу сабабли Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг таҳсинларига сазавор бўлдилар. Зайнаб онамиз завжалари билан такрор топишганларидан сўнг кўп яшай олмадилар. Ҳижратнинг саккизинчи санаси ўттиз ёшларида Мадинада вафот этдилар. Уларни Умму Айман билан ҳазрати Савда ювдилар. Жанозани Расули Акрам соллаллоху алайҳи васаллам ўқидилар. Завжасига вафодор Зайнаб бинти Расулуллоҳ розияллоху анҳодан Аллоҳ таоло рози бўлсин.

Дилором тайёрлади.



АМАЛЛАРИМИЗНИ АЛЛОҲ РОЗИЛИГИ УЧУН ҚИЛАЙЛИК

Ассалому алайкум, муслима опа-сингиллар!

Бу дунёда яхшилик ва ёмонлик доимо ёнма-ён юрса-да, эзгулик ғалаба қозонишини истаганлар билан табассум ҳақида ўртоқлашмоқчимиз.

Илмимизни зиёда қилаётган Роббимизга барча неъматлари учун беадад шукр.


Мана, ҳозир ҳазонрезги мавсуми. Саҳарда ва кечкурун, асрдан сўнг ҳосилини беминнат бизларга улашаётган дарахтларнинг тўкилган барглари супуриб, атроф-муҳитнинг тозалигини сақлаб келаётган опа-сингилларимиздан Аллоҳ рози бўлсин. Азиз опа-сингиллар, қиладиган барча меҳнатларимиз самарали бўлиши учун аввало уларни Аллоҳ розилиги йўлида қилайлик. Нимаики қилсак, яхши кайфият билан, чин дилдан, мамнунлик ила қилайлик. Қаранг-а, замонавий руҳшуносларнинг фикрига кўра, «Иш қилиб чарчадим», деб оғриниб гапирсак, танамиз бир неча баробар кўпроқ чарчаб, тезроқ қарир экан. Лекин «Бу менинг вазифам», деб ёки «Фалон ишни бажардим, энди мана бунисини эпчиллик билан якунига етказиб қўйсам, олам гулистон», деб шукроналик билан, Аллоҳдан ёрдам сўраб ишга киришсак, баҳри-дилимиз яйраб, танамиз куч ва ғайратга тўлиб, ёшариб борар экан. Мисол учун, барглари супура туриб: «Аллоҳим, Сенга дунёдаги барча барглар

миқдоридан-да, зиёда шукроналар бўлсин, биз Сендан савоб умидидамиз», десак, Яратган бизга савоблар ато этади. Ҳар қандай савобли юмуш билан банд бўлсак, диққатимизни дуога ва шу ишни бажаришга қодир қилиб қўйган, уни айнан бизга насиб этан Роббимизга ташаккур билдиришга қаратайлик. Қаранг, бир оғиз миннат қилиб, оғриниб қилган ишимиздан нолисак, чарчаганимиз қолади, савобидан ҳам, соғлиқдан ҳам айриламиз.

Имом Суютий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг розилиги учун ҳаракат қилувчи одам ҳақиқий мужоҳиддир», деганлар. Қилаётган барча амалларимиз эса фақат Аллоҳ учун бўлиши лозим. Имом Суютий ривоят қилган бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ишни пухта ва чиройли бажарувчи одамни Аллоҳ дўст тутати», деганлар. Демак, Аллоҳга суюкли банда бўлиш учун қилаётган ҳар бир ишимизни қойилмақом қилиб бажаришимиз, бунинг учун эса унга аввало меҳр билан ёндашишимиз лозим. Бу эса қилаётган ишларимизнинг натижаси чиройли бўлишига замин тайёрлайди.

Нозимахон тайёрлади.





ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИНИНГ БОШЛАНИШИ

Вақт ўтиши билан Ислом жамияти ҳар томонлама улғайиб борар эди. Чегаралар, вилоятлар, амирлар ва бошқаларнинг сони тезлик билан ортиб бормоқда эди.

Девонлар ташкил қилинди, ҳамма тарафдан пойтахтга мактублар кела бошлади. Бошқа алоқалар ҳам ривожланиб борди.

Бир куни Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхундан мактуб олди. Унда «Сендан мактублар келади, тарихи номаълум бўлади. Тарихни белгиласанг, яхши бўлар эди», деган маъно бор эди.

Бир оз вақт ўтгач, Умар ибн Хаттоб розияллоху анху яна бир мактуб олдилар. Унда «Шаъбон ойида» деган маъно бор эди. Қайси Шаъбон? Ўтганими, ҳозиргисими ёки келгуси Шаъбон ойими, била олмай қийналдилар.

Яна бир куни Ямандан, Яъло ибн Умайядан Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуга мактуб келди. Бу мактубда тарих белгиланган эди. Бу иш ҳазрати Умар розияллоху анхуга маъқул келди.

Шундан сўнг у киши шуро мажлисини чақириб, ўртага мусулмонларга хос тарих – йил ҳисобини қабул қилиш масаласини қўйдилар. Ислом жамияти ўзлигини намоён қилиши, бировга таклид қилмай, ўзига хос йил ҳисобига эга бўлиши керак эди.

Биринчи масала «Тарихни қачондан бошлаш керак?» деган саволга жавоб топишдан иборат бўлди.

Бир киши Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг вафот этган йилларини биринчи йил деб ҳисоблашни таклиф қилди.

Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анху Расуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг пайғамбар

бўлган йилларини биринчи йил деб ҳисоблашни таклиф қилди.

Али ибн Абу Толиб розияллоху анху Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳижрат қилган йилларини биринчи йил деб ҳисоблашни таклиф қилдилар. У киши: «Ҳижрат ҳақ билан ботилнинг ораси ажралишига сабаб бўлган», дедилар.

Бошқа бирлари Расуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг туғилган йилларини биринчи йил деб ҳисоблашни таклиф қилди. Лекин кўпчилик Али розияллоху анхунинг таклифларини ёқлаб, овоз бердилар.

Иккинчи масала йил ҳисобини қайси ойдан бошлаш масаласи эди.

Абдуррахмон ибн Авф розияллоху анху: «Ражаб ойини биринчи ой қилиб олайлик, у ҳаром ойларнинг биринчиси», деди.

Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анху: «Рамазон ойини биринчи ой қилиб олайлик, у умматнинг шарафли ойи», деди.

Али розияллоху анху: «Мухаррамни биринчи ой қилиб олайлик, унинг ўзи йилнинг биринчи ойи», дедилар.

Ҳаммага мана шу гап маъқул бўлди. Шу тариқа Ислом уммати ҳазрати Умар розияллоху анхунинг ташаббуслари ва ғайратлари билан 16-ҳижрий санадан бошлаб, ўзининг йил ҳисобига эга бўлди.

Албатта, бу катта иш эди. Дунёга етакчилик қилишни даъво қилаётган уммат учун ана шунга ўхшаш шиор бўладиган нарсаларнинг зарурлиги ҳеч кимга сир эмас эди.

САБР БАРЧА ФАЗИЛАТЛАРНИНГ ОНАСИДИР

Киши ҳаётда турли-туман ҳолатларга тушади. Баъзида қувончдан инсоннинг боши осмонга етса, баъзан ёруғ олам кўзига зимистон бўлиб туюлади. Бундай пайтларда кўпчилик, айниқса ёшлар ўзларини омадсиз, нотавон ҳис қиладилар. Омадсизлик аламларига дош беролмай, турли бўлмағур чоралар воситаси ила аламдан чиқишга ҳаракат қиладилар. Ваҳоланки, оддий тафаккур кўзи билан қаралса, инсон умри бир текисда, равон ўтавермаслигини, бахтиёр кунларда машаққатлар эҳтимоли йўқолмаганини, уқубатли дамларда эса яхши кунлар умиди сўнмаганини кўриш мумкин. Бинобарин, бахтли онларда ҳовлиқмаслик, кулфат ва машаққатга йўлиққанда эса бахтиёр кунлар яна келажакнинг ёдда тутиш ва шунга биноан сабр-тоқат, қаноатни кўлдан бермаслик катта фазилат саналади.

Исломда сабр ахлоқий фазилатлардан бўлиб, муслмон кишининг руҳий таянчларидан биридир. У муслмонлар қалбига сукунат ва хотиржамлик солиб, алам бераётган дардига малҳам бўлади. Сабрли киши қийинчиликларни сабот билан қарши олади, уни Аллоҳ тарафидан юборилган синов деб билади. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, албатта, ҳар бир қийинчилик ортида ажойиб ҳикматлар ётади. Бундай пайтда жоҳил киши хафа бўлади, ўзини ҳар ёнга уради, ғам-ғуссага ботади. Аммо оқил Аллоҳ тарафидан юборилган бу қийинчиликлар орасидан ҳам ўзига яхшиликни топишга уринади. Сабрсиз инсон ўзига етган балолар оқибатида ҳалок бўлиши ва ҳаётдан ортда қолиши турган гап. Сабр руҳий ҳаёт билан моддий ҳаётни ажратиб турувчи бир нарсадир. Шунинг учун ҳам Қуръон сабрга катта аҳамият бериб, уни мақтаган, обрўсини кўтарган ва сабрли кишиларни «жуда ҳам ажойиб кишилар» деб атаган. Сабр барча фазилатларнинг онаси ҳисобланади. У инсон қалбида яхшилик малакасини оширади. Ҳар бир фазилат сабрга муҳтождир.

«Сабр» сўзининг маъноларидан бири «танглик ила ўзини тутиб туриш»дир.

САБРНИНГ ТАЪРИФИДА:

– Сабр нафсни қайғу ва аччиқланишдан, тилни шикоятдан ва аъзоларни ташвишдан тутиб туришдир.

– Сабр нафснинг фозил ахлоқларидан бири бўлиб, қилиниши яхши ва гўзал бўлмаган нарсалардан сақланишдан иборатдир.

– Сабр Қуръон ва Суннат аҳкомларида собит туришдир.

– Сабр бало етганда гўзал одоб ила туришдир.

– Сабр изтироб пайтида қалбнинг собит туришидир.

Ибн Қайюм айтади:

«Сабр ўзи боғланган нарса эътиборидан уч қисмга бўлинади: Амр ва тоатларни адо этишга сабр. Наҳий ва хилофларни қилмасликка сабр. Қазои қадарга рози бўлишга сабр».

Сабр Аллоҳ таоло томонидан бандага инъом этилган энг катта ва кенг ато ҳисобланади. Сабрли киши ризқнинг озига ҳам, йўқчиликка ҳам чидаб, ўзини хор қилмай, бошини тик тутиб кун кўради. Сабр неъматидан бебахра банда эса дунёнинг ярмига эга бўлса ҳам, очкўзлигини билдириб кўяди.

Муслмон одам Аллоҳ таоло томонидан берилган етарли ризққа сабр қилиб, қаноатли бўлиб ўтса, дунёдаги энг катта нажоатга эришган шахс бўлади.

Аллоҳ таоло айтади:

«**Ва сабр қилган пайтларида улардан амримиз ила ҳидоятга бошлайдиган пешволар чиқардик. Улар оятларимизга аниқ ишонар эдилар», деган (Сажда сураси, 24-оят).**

САБРНИНГ ФЙДАЛАРИДАН:

1. Сабр оғир вазиятларда нафсни тутишга ёрдам беради.

2. Сабр моддий ва маънавий талабларни амалга оширишда шошилиш ва кўполликнинг олдини олишда кўл келади.

3. Сабр ғазабни кўзгайдиган нарсалар содир бўлганда ўзини тутиб туришга ёрдам беради.

4. Сабр хавф туғилганда ўзини ўнглаб олишга ёрдам беради.

5. Сабр тамагирлик кўзидиган вазиятларда ўзини ўнглаб олишда асқотади.

6. Сабр моддий ва маънавий яхшиликларга эришиш йўлидаги жисмоний ва руҳий аламларга чидашга ёрдам беради.

7. Сабр иймон баркамоллигининг ва Ислом гўзаллигининг далилидир.

8. Сабр қалбда ҳидоят ҳосил қилишга ёрдам беради.

9. Сабрнинг самараси Аллоҳ таолонинг ва одамларнинг муҳаббатидир.

10. Сабр ер юзида таскин топиш сабабчисидир.

11. Сабр жаннатга эришиш ва дўзахдан қутулишдир.

12. Сабр Аллоҳ таоло билан бирга бўлишдир.

13. Сабр қиёмат кундаги катта кўрқинчдан омонликдир.

14. Сабр мардлик ва яхши оқибатнинг аломатидир.

15. Сабр Аллоҳ таолонинг раҳмати ва баракотидир.

Назокат тайёрлади.

Яхши хулқли мусулмон аёл бадавлат одамга турмушга чикди. Бой одам хотинининг гўзал табиати, яхши одоби, чиройли хулқидан мамнун эди. Бир куни тунда уйқудан уйғониб кетган эр аёлидан сув сўради. Хожасининг юраги куйиб турганини ва ҳарорати кўтарилганини сезган аёл совуқ сув олиб келиш учун ҳовлига чикди. Сувни олиб келгунича эри ухлаб қолибди. Одобли аёл «Эрим уйғониб қолар», деб, идишдаги сувни қўлида ушлаб ўтираверди.

Маълум вақт ўтгач, эр уйғонди. У аёлига қараб: «Хоним, нега ўтирибсиз?» деб сўради. Шунда оқила аёл: «Афандим, сув сўраган эдингиз, уйдаги сувдан беришга кўнглим бўлмади. Эримнинг юраги ёнмоқда, совуқ сув олиб келай, деб ҳовлига чикдим. Келсам, сиз ухлаб қолибсиз. Уйғотгани кўзим қиймади, ўзингиз уйғонишингизни кутиб ўтирдим. Сувни ичинг, афандим», деган жавобни берди.

Аёлнинг ўзига бўлган бу қадар меҳридан ниҳоятда хурсанд бўлган эр сувни қўлига олмай туриб, кўзида севинч ёшлари билан: «Сендек хуш хулқли ва ҳикматли бир хонимга соҳиб бўлганимдан бахтиёрман.

Оқила хоним, тила тилагингни, қандай яхшилик қилай?» деди. Аёл: «Сизнинг соғлигингизни истайман, кейин менинг жавобимни беринг, афандим», деди. Бойвачча эр хайрон бўлиб, тили каломга келмай қолди. Бир оз ўтгач, аёл деди: «Гапиринг, жим ўтирманг, хоҳишимни адо этишга сўз бердингиз. Менинг орзуим – сиздан ажралиш».

Шу пайт эр ўрнидан турмоқчи бўлган эди, оёғи қайрилиб кетди. «Аллоҳ!» деб кичқириб, ерга йиқилди. Хожасининг қўлидан тутиб қолган аёл «Ўрнингиздан туриб, жойингизга ётинг, энди ажралишга сабаб қолмади», деди. Эр яна хайрон бўлиб сўради: «Хоним, нега фикринг тез ўзгарди? Бу ишнинг қандай ҳикмати бор?».

Аёл куйидагича жавоб қилди: «Афандим, мана, турмуш қурганимизга ўн йил бўлди. Шу пайтгача бошингизга ҳеч бир бало-қазо келма-

ди. Ўн йил бўлибдики, бирор дард кўрмадингиз. Бунинг учун бирор марта ҳам «Аллоҳ», демардингиз. Аллоҳнинг неъматларига шукр этганингизни кўрмадим. Аллоҳ ҳозир сизни йиқитганининг ўзи бир ҳикматдир.

Аллоҳ Фиръавнга ҳеч қандай дард бермаган. Бу эса Фиръавндан Ўз неъматини кесиб қўйганининг аломатидир. Сиз ҳозир «Аллоҳ!» дедингиз, шунинг учун ажралишимизга сабаб қолмади».

Шундан сўнг бадавлат эр ҳидоятга эришиб, меҳрибон аёлининг воситаси ила ибодат қилишни бошлади. «Аллоҳ», деди, шукр этди. Албатта, Аллоҳ кимни севса, унга Ўзининг ҳабибларини восита этади. Шундай ақлли, оқила, тадбирли, иродали, хожасини тушуниб, унга хизмат қилиши зарурлигини англаб, муслимага ярашадиган ҳаракатлар билан эрларининг хизматида бўлувчи аёллар эрларга муборак бўлсин!

Ушбу ҳикояни диққат билан ўқиган ақлли аёл ўзи учун фойдали бўлган ибрат дарсини олади. Ҳикоя қахрамони – муслима аёлнинг эрга бўлган итоати, садоқати ва ҳурмати таҳсинга сазовордир. Балки бу аёл Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо сол-

лаллоху алайҳи васалламнинг «Аллоҳдан бошқага сажда қилиш мумкин бўлганида, аёлларни эрларига сажда қилишга буюрган бўлардим», деган ҳадиси шарифларини ҳаётига татбиқ қилгани учун садоқат ва вафонинг шундай улуғ даражасига эришгандир. Сиз-чи? Сиз ўзингизнинг хожангизга бўлган садоқатингизни шу даражада деб айта оласизми?

Юсуф Товаслийнинг «Ҳикматлар хазинаси»дан олинди.

Жавобимни беринг, афандим....

ТЕЛЕФОНДА ГАПЛАШИШ ОДОБИ

Барча ҳамду санолар Аллоҳгадир. Биз Унга ҳамд ва истиффор айтамиз. Ундан ёрдам сўраймиз. Нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен «Ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Унинг ўхшаши, тенги, мисли йўқдир ва Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам Унинг бандаси, элчиси, ҳалили, халқлари ичидан танлаб олган, Ўз ваҳийсига ишонган аминидир», дея гувоҳлик бераман.

Илм-фан ва техника тараққиёти сабабли кун сайин янги кашфиётларга гувоҳ бўлмоқдамиз. Бир пайтлар фақат эртаклардагина ўқиб эшитган, ойнаи жаҳон ва шу каби нарсаларни бугун кўлимизда тутиб турибмиз. Бу воситалардан ҳар куни фойдаланамиз. Аллоҳ таоло инсонга берган ақлу заковат маҳсули бўлган бу нарсалар бугун барчамизнинг оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилмоқда. Бугунги кунда энг кўп ишлатадиган воситамиз, ҳатто тили чиқмаган гўдак ҳам танийдигани, шубҳасиз, уяли телефондир. Биз бу нарсага шунчалик боғланиб қолганмизки, агар ёнимизда олиб юрмасак, сўрғичини йўқотиб қўйган ёш боланинг ҳолатига тушуб қоламиз. Қуйидаги мақолада ушбу воситадан қандай фойдаланиш ва унинг зарарлари ҳақида ўртоқлашамиз.

- Қўл телефонида чикаётган электр магнит тўлқинларининг соғлиққа келтирадиган зарарлари ҳақида ўйлаб кўрдикми? Бу тўлқинлар инсон миясига жиддий зарар етказди. Айниқса болалар саломатлиги учун хавфлидир. Болаларнинг бош суяклари катталарнинг бош суякларига қараганда юпқароқ бўлади. Шу сабабли уяли алоқа воситасидан тарқалаётган тўлқин уларнинг миясига чуқурроқ кириб боради ва мия фаолиятига, эшитиш аъзоларига жиддий зарар етказди.



- Қўл телефонининг ёш болалар руҳиятига ҳам салбий таъсири аниқланган. Бундай болалар телефондаги ўйинларни тинимсиз ўйнашлари оқибатида тенгдошларига қўшилмай, одамови бўлиб қолишади.

- Қўриш қобилиятини сусайтиради.

- Телефонда кўп гаплашиш танани заифлаштиради ва қон айланиш маромининг бузилишига олиб келади.

- Уяли телефондан кўп фойдаланиш асаб, кулоқ, ҳатто саратон касалликларининг пайдо бўлишига сабаб бўлишини мутахассислар аниқлашган.

- Қўл телефони иложи борича танадан узоқ тутиб, махсус сумкада олиб юриш унинг зарарини камайтиради.

ҚЎЛ ТЕЛЕФОНИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОДОБЛАРИ:

- Қўл телефони орқали гаплашганда суҳбатдошингизга энг аввало салом беринг. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларини саломга қаттиқ тарғиб қилганлар. Ўзлари ҳаттоки ёш болаларга ҳам биринчи бўлиб салом берардилар. Саҳобаи киромларнинг ҳам саломни биринчи бўлиб бериш борасида мусобақалашгани ҳақида хабарлар бор.

- Гаплашишда қўполлик қилмаслик. Кўпчилик биродарларимиз гўшакни олганда кўрслик билан: «Ким керак?» ёки «Ким бу?» деган сўзларни ишлатадилар. Бу одобсизлик бўлиб, қўнғироқ қилган кишини ранжитади. Суҳбатдошига бундай қўполлик билан муомала қилиш мўмин кишига ярашмайди. Мўминнинг мўминга ширин сўз билан муомала қилиши ҳам садақадир.

- Номахрамлар билан сирли мулоқот қилмаслик. Зарурат ҳолатидан ташқари телефонда номахрамлар билан сўзлашувдан сақланиш лозим. Пайғамбаримиз соллаллоҳу

алайҳи васаллам зинонинг ҳар хил турлари борлигини айтганлар. Зинога бошловчи ҳар қандай ҳолат ҳам тақиқланади. Ибн Аббос бундай дейдилар: «Абу Хурайрининг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилиб айтган қуйидаги гапидан нохушроқ гапни эшитмаганман: «Аллоҳ таоло одам боласининг пешонасига азалдан зино қилмоқни тақдир қилган бўлиб, у бундан қочиб қутула олмайди. Кўзнинг зиноси – қарашдир, тилнинг зиноси – гапирмоқдир. Эркакнинг шаҳвоний нафси қўзиб, зинога чорлайверади, аммо буни рўёбга чиқарувчи ҳам, барбод қилувчи ҳам аёлнинг асалдонидир!». Мабодо аёл киши бегона эркаклар билан телефон орқали гаплашишга зарурат туғилиб қолса, майин овозда сўзламаслиги, ноз-карашма, хазил-мутойиба қилмаслиги керак.

- Уяли телефонда сабабсиз кўп гаплашиш исрофдир. Ислом шариати исрофнинг барча кўринишларидан қайтарган. Исрофчилар шайтоннинг биродарларидир.

- Илм мажлисларида ва масжидларда телефонни батамом ёки овозини ўчириб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

- Телефон орқали фахшга тарғиб қилувчи ёки инсонларнинг обрўларини тўқувчи видео ва суратларни сақлаш ҳаромдир.

- Суҳбатларни суҳбатдошга билдирмасдан ёзиб олиш ниҳоятда қабиҳ ишдир.

- Суҳбатлашишдан олдин суҳбатдошининг гаплашишга вақти, имкони бор-йўқлиги сўраб, билиб, кейин мулоқотга киришиш лозим.

Мўмин киши чиройли хулқи билан барчага ўрнак бўлиши, ҳатто мўмин биродарига ҳам кўзгу бўлиши керак. Кундалик ҳаётимиздаги ҳар бир амалимиз шариатга мувофиқ, одоб-ахлоқ чегарасида бўлса, нур устига нур бўлади. Аллоҳ барчамизнинг хулқларимизни гўзал қилсин!

Дилором тайёрлади.

Балалар тарбиясидаги 29 восита

«Одамлардан такаббур-ла юз ўғирма ва ер юзида кибр-хаво ила юрма. Албатта, Аллоҳ ҳеч бир димоғдор ва мақтанчоқни севмас. Юришингда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир. Чунки овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир» (Луқмон сураси 18-19-оятлар).

Имом Ибн Кудома Макдисий ўзининг «Минхожул косидин» номли китобида бир неча одобларни зикр қилади: «Бола вояга етиб, унда фикрлаш аломатлари намоён бўлса, уни яхши кузатиш ва ахволини ўрганиш лозим бўлади. Чунки боланинг қалби содда ва тоза бўлиб, у ҳар қандай нақшни қабул қилишга тайёрдир. Агар яхшиликка одатлантирилса, яхшилик билан улғаяди. Унинг савобига ота-она ва тарбия берувчилар ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка одатланса, ёмонлик билан улғаяди ва жавобгарлик унинг яқинлари бўйнига тушади. Шунинг учун болани эҳтиёт қилиш, тарбиялаш, ёмонликлардан пок тутиб, яхши ахлоқларни ўргатиш лозимдир. Агар боланинг юзида ҳаё нурлари кўриниб баъзи ишлардан уялса ва ҳаё қилса ва уни ёмон деб билса, бас, бу Аллоҳ таолонинг хидояти, ахлоқининг яхшилиги ва қалбининг тозалигига далолат қиладиган яхшиликдир. Агар боланинг ҳолати шундай бўлса, у баалоғатга етганда комил, ақлли бўлиши билан бирга, келажаги ҳам порлоқ бўлади. Болага чиройли одоб беришга роия қилиш диққат-эътиборга сазовор ишдир».

Биз куйида балаларга берилиши керак бўлган баъзи ахлоқ-одоб воситаларини зикр қиламиз:

Биринчи восита: Кўпчилик балаларда таом борасида очкўзлик кузатилади. Бундай балаларга таом одобини ўргатиш лозим. Таомни ўнг қўли билан есин, таом ейишни бошлашдан олдин «Бисмиллаҳ», десин, ўзининг олдидан есин ва бошқалардан илгари таомга қўл урмасин.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар ибн Аби Саламнинг қўли таом устида ўйнаётганини кўрганларида: «Эй бола, «Бисмиллаҳ», дегин, ўнг қўлинг билан егин ва ўз олдиндан егин», дедилар. Шоир айтганидек:

Шошилмасман таом узра узатилса қўл,
Қавмнинг очкўзи – шошқалоғи, бил.

Таом еяётган кишига тикилиб қарамасин, бу бахилликнинг белгисидир.



Иккинчи восита. Таомланишда шошилмасдан, таомни яхшилаб чайнашга, луқмани кетма-кет олмасликка, одоб билан луқма олиш ва қўлини кийимига артиб, доғ қилмасликка буюринг. Тўкиб-сочиб, пала-партиш емасин.

Учинчи восита. Баъзи пайтларда қуруқ нон ейишга одатлантиринг. Нонни бирор нарса билан ейиш лозим деб ўйлайдиган бўлмасин. Чунки гоҳо ҳаётида нондан бўлак бирор нарса топилмайдиган ҳолат ҳам бўлиб қолиши мумкин. Болага меъёридан ортиқча ейишнинг ёмонлиги ва кўп ейдиган одамларнинг ҳайвонга ўхшатилишини баён қилинг.

Тўртинчи восита. Болага таомни бошқаларга илиниш ва овқатга хасис бўлмасликни ўргатинг. Унинг ҳузурда, ҳар қандай таом макталади, токи ширин таомларга берилиб қолмасин, чунки ундан ажралиши қийин бўлади.

Бешинчи восита. Боланинг кийими оппоқ ва оддий бўлгани яхши. Қизил ва заъфарон ранглар билан бўялган ҳамда ипак матолардан тикилган бўлмасин.

Бундай кийимлар аёллар кийими, деган нарса фикрига сингади ва улардан жирканади.

Олтинчи восита. Ёш болани фаровон, дабдабали ҳаёт кечирадиган, фахрли, қимматбаҳо кийимларни кийишга одатланган ва бу нарсаларга кизикадиган болалардан сақланади. Чунки бола ёшлигида аҳамиятсиз ташлаб қўйилса, кўпинча ахлоқсиз, ёлғончи, ҳасадчи, ўғри, чақимчи, ўжар, бўлиб етишади. Ахлоқи гўзал бўлиши учун уни буларнинг ҳаммасидан сақлаш лозим бўлади.

Еттинчи восита. Мактаб дарсларидан ташқари уйда Қуръон таълими, кейинроқ тафсир, Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари ҳамда фикҳни таълим бериш билан машғул қилиш мақсадга мувофиқдир. Болани Қуръон, ҳадисларни ёдлашга кизиктирилади. Ёд олиш ҳақиқий илмдир.

Саккизинчи восита. Болани ҳажв, аския ва



ошиқларнинг дил изҳори битилган шеър каби нарсалардан ва бунга мубтало бўлган инсонлардан сақлаш. Чунки улар унинг қалбиги кириб бориб, фасод уруғини экади.

Тўққизинчи восита. Хуснихатга, ибратли шеърлар ва Аллоҳга муҳаббат, зоҳидлик мадҳ этилган шеърларни ёдлашга одатлантирилади. Амирул мўминин Али розияллоҳу анҳу: «Хуснихатни лозим тутинглар. Хуснихат ризқ калитларидандир», деганлар.

Ўнинчи восита. Агар болада чиройли феъл, яхши хулқ намоён бўлса, бунинг учун икром қилинади, уни қувонтирадиган нарса билан мукофотлаб, одамлар орасида уни мактаб қўйилади. Гоҳо бунинг акси бўлса, биринчи марта ёмон хулқ содир бўлганда эса ўзини билмаганликка олинади. Одамлар орасида айби очилмайди, обрўси тўкилмайди. Шунда бола қайтиб бундай ишни қилишга журъат этмайди,

хусусан, бола ўша ишни махфий қилаётган бўлса.

Ўн биринчи восита. Агар боладан ноҳўя иш яна қайта содир бўлса, унга бошқалардан алоҳида жойда дашном берилади ва қилаётган иши жуда ёмонлиги, агар буни бирон киши кўрса, шарманда бўлиши уқтирилади. Лекин дашномни ҳаддан ошириб юборилмайди. Чунки қайта-қайта маломат эшитаверса, бола гап таъсир қилмайдиган бўлиб қолади.

Ўн иккинчи восита. Ота боланинг олдида ўз хайбатини сақлайди ва уни гоҳ-гоҳида урушиб қўяди. Она уни ёмон ишлардан қайтариб, ора-орада отаси билан қўрқитиб туради.

Она мадрасадир, уни яхши жиҳозла,
Асли пок авлод тарбиясин унга хосла.
Диннинг ёмғири ила суғорилса гар,
Она боғдир, гуркирар ва гуллаб-яшнар.

Ўн учинчи восита. Болани кундузи ухладан қайтарилади, чунки бу унинг дангаса бўлиб қолишига сабаб бўлади. Эрта ухлаб, эрта уйғонишга одатлантирилади ва бу одат инсоннинг баракотли ҳаёт кечиршида кўмакчи бўлиши тушунтирилади.

Ўн тўртинчи восита. Каттиқ жойда ётишга ўргатилади, токи аъзолари маҳкам бўлсин, танаси энгил ва фаровонлик бўлмаганида сабрли бўлсин. Еб-ичишда, кийишда, рўзғорда оддийликка одатлантирилади. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кўп овқат ейишдан сақланинглар, кўп овқат қалбни каттиқлик билан захарлайди», деганлар.

Ўн бешинчи восита. Болани яширинча иш қилишдан қайтариш лозим, чунки у ўзи ёмонлигини билган ишларни яширин қилади, бу эса унинг ҳар бир қабих ишни қилишга ўрганиб қолишига сабаб бўлади.

Ўн олтинчи восита. Куннинг маълум вақтларида югуриш, ҳаракат қилиш ва бадантарбия билан шуғулланиб, чиниқишга одатлантирилади, токи ялқов бўлиб, дангасаликка гирифтор бўлиб қолмасин. Мерганликни ўрганса ва яхши кўрса, бунинг зиёни йўқ. От миниш ҳам яхши. (Ҳозирги кундаги маркаблар ҳам шу жумладандир). Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уч нарса лағв – беҳуда саналмайди, инсоннинг оти билан ўйнаши, камони билан ўйнаши ва аҳли билан ўйнаши», дедилар.

Ўн еттинчи восита. Оёқларини очиб юрмаслик, юрганда шошилмасликка ва қўлини орқасига қилиб,

мутақаббир кишилар каби ҳаракатлар қилмасликка одатлантирилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай юришдан қайтарганлар.

Ўн саккизинчи восита. Ўзининг тенгқурлари ва ўртоқлари олдида дадасининг таоми, кийими ва шу каби нарсалар билан мақтаниб, фахрланишдан қайтарилади ва хокисорликка, бирга ўйнаётган болаларга нисбатан иззатли бўлиш ва улар билан гаплашганда мулойим бўлишга чақирилади.

Ўн тўққизинчи восита. Ўзи каби болалардан бирон нарса олишдан қайтарилади. Агар бола хурматли ва бой-бадавлат бўлса, бировдан нарса олиш ёмонлик, ҳақирлик ва кадрнинг тушиши экани тушунтирилади. Агар бола фақир оиладан бўлса, бировдан нарса олиш таъма экани, тамагирликда эса хорлик борлиги ва бу итларнинг одати экани, чунки ит бир лукмани кутиб, хорланиб туриши тушунтирилади.

Йигирманчи восита. Болаларга олтин, кумуш, умуман, пулни яхши кўриш ва ундан таъма қилиш ёмон одатлар экани уқтириб борилади. Уларни илон-чаёнлар ва захардан кўра кўпроқ пул ва олтин-кумушдан эҳтиёт қилинади.

Йигирма биринчи восита. Мажлисларда, жамоат жойларида бошқалар олдида тупурмаслик, бурун қокмаслик, мусулмонларга орқасини ўгирмаслик ва кўп эснамасликка одатлантирилади.

Йигирма иккинчи восита. Болага ўтириш одоби ҳам ўргатилади: чўкка тушиб ўтириш ёки бир оёғи билан чўккалаб, иккинчи оёғини букиб ўтириш, ёки икки тиззани кучоклаб ўтириш суннатдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп ҳолларда шу кўринишларда ўтирар эдилар.

Йигирма учинчи восита. Аллоҳнинг зикридан бошқа гапларни кўп гапиришдан қайтарилади ва кўп гапириш уятсизлик аломати, тубан ва пасткаш одамлар болаларининг одатлари экани баён қилинади, токи бола ўзини кўп гапиришдан тийсин. Валлоҳу аълам.

Йигирма тўртинчи восита. Ёшлигидан қасам ичишга одатланиб қолмаслиги учун рост бўлсин, ёлғон бўлсин, қасам ичишдан қайтарилади.

Йигирма бешинчи восита. Бемаъни, беҳаё сўзлардан, лаънатлаш ва ҳақорат қилишдан қайтарилади. Болани оғзидан шоди кириб, боди чиқадиган одамларга кўшилмайди,

чунки бола қандай одамлар билан мулоқотда бўлмасин, уларнинг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам унга юқади. Бола одобини сақлашнинг асли уни ёмонларга яқинлаштирмасликдир.

Йигирма олтинчи восита. Бола довлорак ва қийинчиликларга бардошли қилиб тарбияланади. Бу каби сифатлар унинг олдида макталади. Натижада боланинг қалбида ушбу фазилатларга нисбатан меҳр уйғонади ва улар билан сифатланишга интилади.

Йигирма еттинчи восита. Бола нима бўлганда ҳам бола, унга вақти-вақти билан ўйнаши учун имкон яратиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Йигирма саккизинчи восита. Етти ёшга етганида намозга буюрилади ва таҳоратга одатланиши учун уни тарк этса, кечирилмайди. Ёлғон гапиришдан ва хиёнатдан кўрkitилади. Балоғат ёшига етганида, унга барча шариат таклифлари юкланади.

Йигирма тўққизинчи восита. Ота-она, устоз, мураббий, хуллас, ўзидан катта ёшдаги ҳар бир мусулмонга итоат қилишни, уларга иззат-икром ва хурмат билан муомала қилишни ўргатиш лозим.

Бу одатларнинг ҳаммаси ақлини таниган, лекин ҳали балоғат ёшига етмаган ёш болаларга тааллуқлидир. Аллоҳдан бизларга фарзандларимизга тўғри тарбия бериш йўлларини билдиришини, уларни ҳар бир ёмонликдан сақлашини ва ўзи тўғри йўлни топган, бошқаларни ҳам тўғри йўлга бошлайдиган чин мусулмонлардан қилишини сўраймиз. Ва соллаллоҳу ғалаа Муҳаммадин ва ғалаа аалиҳи соҳбиҳи васаллам.



ИСЛОМ

Муҳтожларга доим улашинг таом,
Катгаю кичикка берингиз салом.
Хушфеълликни одат қилингиз мудом,
Мана шундай гўзалдир Ислому.

Оталар, оналар иззат-хурматда,
Фарзандлар доимо шайдир хизматда.
Бу Аллоҳ буйруғи, унутма мудом,
Мана шундай гўзалдир Ислому.

Дейди: «Кўл чўз мискин-факирга,
Ҳавас қилма бойлик, қасрга».
Эзгуликка чақирар мудом,
Мана шундай гўзалдир Ислому.

Мусулмонга Аллоҳ мол-давлат берса,
Обрў, шараф, шон-шухрат берса,
Дўстлар билан бўлишар мудом,
Мана шундай гўзалдир Ислому.

ИБТИДОЙ (ДАСТЛАБКИ) ОДАМ

Энг катта бобомиз кимлигин айти,
Ёлғон чўпчакларни сендан арита.
«Ибтидоий одам – бобомиз», деган
(ёки: «Аслида маймундир бобомиз», деган)
Эртақдан Куръонга, Суннатга қайта.

*Ҳақ каломин ўқиб берайин ўзим,
Ҳақни таниб ўсгин, ўғломим, қизим.*

Исми Одам бўлган – биринчи инсон.
Уни Ўз қўли-ла яратган Раҳмон.
Фаришталар унга этдилар сажда,
Лек сажда қилмади кибрли шайтон.

*Ҳақ каломин ўқиб берайин ўзим,
Ҳақни таниб ўсгин, ўғломим, қизим.*

Шу сабаб ғазабга учради шайтон,
Роббимиз жаннатдан ҳайдади шу он.
Гуноҳига тавба қилмагани-чун
Дўзах бўлди иблисга абадий макон.

*Ҳақ каломин ўқиб берайин ўзим,
Ҳақни таниб ўсгин, ўғломим, қизим.*

Сўнг шайтон сўради Аллоҳдан муддат:
«Қиёмат кунгача бер менга муҳлат.
Ўтиб бандаларинг ўнгу сўлидан,
Адаштиргайдирман тўғри йўлидан».

*Ҳақ каломин ўқиб берайин ўзим,
Ҳақни таниб ўсгин, ўғломим, қизим.*

Парвардигор берди шайтонга муддат,
Билганича яшасин токи қиёмат.
Сўнгра деди: «Ўтга ташларман сени,
Ва кимки, сени деб унутса Мени».

*Ҳақ каломин ўқиб берайин ўзим,
Ҳақни таниб ўсгин, ўғломим, қизим.*

Одам Ато яшар эди жаннатда,
Ҳузур-ҳаловатда, мудом роҳатда.
Сўнг Одамнинг жуфтин яратди Аллоҳ,
У эди онамиз Ҳавво, албатта.

*Ҳақ каломин ўқиб берайин ўзим,
Ҳақни таниб ўсгин, ўғломим, қизим.*

Кунлар ўтар эди шодон, бахтиёр,
Жаннатда йўқ ташвиш, заррача озор!
Оромбахш жаннатда мангу қолиш-чун
Аллоҳнинг амрини бажармоқ даркор.

*Ҳақ каломин ўқиб берайин ўзим,
Ҳақни таниб ўсгин, ўғломим, қизим.*

Шайтон йўлдан уриб, юриб хатога,
Иккиси ҳам осий бўлди Худога.
Тақиқланган дарахт мевасини еб,
Қувилди жаннатдан ушбу дунёга.

*Ҳақ каломин ўқиб берайин ўзим,
Ҳақни таниб ўсгин, ўғломим, қизим.*

Тавба қилиб, улар топдилар нажот,
Гуноҳларин Аллоҳ қилди мағфирот.
«Ибтидоий одам» аслида шулар,
Ер юзида шундай бошланган ҳаёт.

*Ҳақ каломин ўқиб берайин ўзим,
Ҳақни таниб ўсгин, ўғломим, қизим.*

Яшадилар, ер юзин қилдилар обод,
Улардан тарқалди кўплаб зурриёт.
Биринчи пайғамбар эдилар Одам,
Башарни ҳақ йўлга қилдилар иршод.

*Ҳақ каломин ўқиб берайин ўзим,
Ҳақни таниб ўсгин, ўғломим, қизим.*

Ғиёсиддин Муҳаммад Юсуф

А витамини етишмовчилиги ксерофталмия касаллигини келтириб чиқаради. У кўзнинг тез-тез қуриб қолиши, кўз шиллик пардасининг яллиғланиши, қуёшга қарай олмаслик белгиларидан билинади. Яна организмнинг ривожланишдан орқада қолиши, ички органларда паталогик ўзгаришлар рўй бериши кузатилади.

Бу витамин тухум сариғида, сутли маҳсулотларда, мол ва қўй жигарида, мева ва сабзавотларда кўп учрайди.

В1 витамини оксил ва углевод моддалари алмашинувида катта роль ўйнайди. Бу витаминнинг етишмаслиги оқибатида пиелонефрит касаллиги, кейинчалик эса «бери-бери» хасталиги келиб чиқиши мумкин.

В1 витамини ачиткиларда, маккажўхори, ёнғоқ ва қўзиқоринда кўплаб учрайди.

В2 витамини меъда-ичак йўллари ишини яхшилашда фаол иштирок этади. Бу витаминнинг етишмаслиги оқибатида киши организмнинг ўсишдан тўхташи, кўз кўриш қобилиятининг пасайиши кузатилади. У кўпроқ тухум, лавлагги, жигар, помидор каби маҳсулотларда учрайди.

РР витамини организмни «Реллагра» касаллигидан сақлайди. У қон ҳосил қилиш жараёнларини бир меъёрда ушлаб туради, меъда ширасининг ажралишида, ичаклар тонусини сақлашда зарур элементлардан ҳисобланди. Бу витамин гуруч, буғдой, помидор, бодринг, гўшт, олхўри каби маҳсулотларда етарли миқдорда топилади.

Организмда С витаминининг етишмаслиги натижасида «цинга» касаллиги келиб чиқади. С витамини организмнинг ташқи таъсирларга: паст ва юқори ҳароратга, паст ва юқори босимга, инфекцияли хасталикларга қаршилигини оширишда катта аҳамиятга эга. С витамини етишмаган беморнинг боши айланади. Серуй-

ку, сержаҳл бўлиб, меҳнат қобилияти пасаяди. Қон томирлар заифлашади, милкларнинг тез қонаши кузатилади. С витамини наъматак, қорағат (смородина), қалампир, укроп, хурмо ва сабзи маҳсулотларида кўп бўлади.

Д витамини организмнинг меъёрда ўсишини, суякларда кальций ва фосфор тўпланишини бошқаради, болаларда бу витамин етишмаслиги оқибатида «рахит» касаллиги келиб чиқади. Д витамини кўпроқ мол ва балиқ жигарида, икрада ва тухум сариғида учрайди.

Е витамини қон томири склерози хасталигининг олдини олишда аҳамиятлидир. Гўшт маҳсулотларида, кўкатларда бу витамин кўплаб учрайди.

Витаминлар эришига кўра икки хил бўлади. Ёғларда эрийдиган витамин-

ларга А, Д, Е ва бошқа витаминлар киради. Сувда эрийдиган витаминларга С, В ва бошқалар мисол бўла олади.

Карам ва картошка маҳсулотлари С витамини учун асосий манбадир. Тузланган карам, бодринг ва помидорларда витаминлар саккиз ойгача яхши сақланади. Баҳор ва қиш ойларида помидор пастаси, апельсин, мандарин, лимон ва сутли маҳсулотлар витаминларнинг манбаи эканини унутманг.

Ойдин



Илм ҳақида

Олимнинг адо этилиши лозим бўлган ҳақлари бор. Унга кўп савол бермаслик, жавобига эътироз қилмаслик, эриниб турганида жавоб беришга зўрла-маслик, ўрнидан туришга қўймай, этагига осилиб ол-маслик, сирларини ошкор этмаслик, хузурида бирор кишини гийбат қилмаслик, ундан хато қидирмаслик, борди-ю хато қилса, узрини қабул қилиш, модомики Аллоҳнинг амрига итоат этар экан, унга ҳам Аллоҳ учун ҳурмат кўрсатиш, олдида ўтириб олмаслик, би-рор эҳтиёжи бўлса, уни раво қилиш учун ҳаммадан олдин шошилиш олимнинг ҳақларидандир.

Али ибн Абу Толиб

Агарда муаллим бўлса беозор,
Дарсхонани қилгай болалар бозор.

Саъдий Шерозий

Кекса киши бўлса нодону жоҳил,
Ақлли гўдакни ундан афзал бил.

Носир Хисрав

Ўзини гуноҳ ва бадхулқликдан сақлай олмаган
кишига илм фойда бермайди.

Имом Шофеъий

Икки киши бесамар иш қилган ва бенаф ташвиш
чеккан: бири – бойлик тўплаб, фойдалана билмаган.
Иккинчиси – илм ўрганиб, унга амал қилмаган.

Саъдий Шерозий

Бугун сизлар ҳавойи нафслар илмга тобеъ замон-
да яшайсиз. Ҳали шундай замонлар келадики, унда
илм ҳавойи нафсларга тобе бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд

Оз-оз ўрганиб, доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур.

Алишер Навоий

Қанча кучанмасин сохта билимдон,
У юксала олмас кўкка ҳеч қачон.

Мирза Шафий

Илмига амал қилмаган олим жоҳиллар қаторига
киради.

Али ибн Абу Толиб

Китоби йўқ олим – мевасиз дарахт.

Саъдий Шерозий

Билмаганин сўраб ўрганган – олим
Ва орланиб сўрамаган ўзига золим.

Алишер Навоий

Илм фикрнинг хос мевасидир. Агар қалбда илм
ҳосил бўлса, ҳолати ўзгаради, ҳолати ўзгарса, аъ-
золарнинг амали ўзгаради. Бас, амал ҳолатга, ҳолат
илмга, илм фикрга тобедир.

Абу Ҳомид Фаззолий

Илм ўрганиб, унга амал қилмаган киши худди
яширин ҳолда зинога бориб, хомиладор бўлган ва
кейин сири очилиб қолган аёлга ўхшайди. Аллоҳ
таоло илмига амал қилмаган кишининг сирини ҳам
қиёмат кунини худди хотин каби гувоҳлар хузурида
очиб ташлайди.

Исо ибн Марям

Илм кўп ривоят қилиш билан эмас, кўп тақво қи-
лиш билан бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд

Сизлар хоҳлаганча илм ўрганаверинглар. Аллоҳ-
га қасамки, амал қилмагунингизча, Аллоҳ сизларга
унинг учун ажр бермайди. Аҳмоқлар ҳиммати ри-
воят қилиш, уламолар ҳиммати риоя қилишдир.

Ҳасан Басрий

Дунёда олимларнинг хушомадгўйлиги бўлмаган-
нида, золимлар зулмга журъат қилолмасдилар.

Абдулфаттоҳ Шоҳин

Илмига амал қилмаган олим бошқани кийинтир-
ган ҳолда ўзи яланғоч қолган игнага ўхшайди.

Абу Ҳомид Фаззолий

Назокат тайёрлади.

Юз терисини тозалаш

Юз терисидаги майда қора тешикчаларни тозалаш учун биринчи навбатда катта идишга сув қуйиб, қайнатинг. Сув қайнаб чиққач, хоҳишингизга кўра сувга ялпиз баргларида, агиргул япроғидан ёки бўлмаса эфир мойидан бир неча томчи томизинг. Сувнинг буғига юзингизни тугтиб, бошингизни сочиқ билан беркитинг. Сувдан чиқаётган буғ юзингизга тикка бориши лозим. Бир неча дақиқа шу ҳолда туринг. Бу жараёнда теридаги майда қон томирларида қон айланиши яхшиланади ва юз терисидаги ортиқча ёғлар чиқиб кетади. Бу жуда осон ва енгил тозалаш услуби бўлиб, ушбу муолажа ҳар қандай юз терисига фақат ижобий таъсир этади. Шундан сўнг юзингизга юмшатувчи, витаминли крем суртинг.

Аёллар учун гўзалликнинг бир неча сири

Сўлгин терилар учун ниқоб: Бир дона бодринг ва уч дона редискани қирғичдан ўтказиен. Унга 1 чой қошиқ асал аралаштиринг ва кўзингиз атрофларини қолдириб, юзингизга суртинг.

Қошларингиз қалин бўлиши учун ҳар тонгда уларни кастор ёғига ботирилган тиш чўткаси билан таранг. Қош теришдан олдин ковокларни муз бўлаклари билан артиб олинг.

Киприкларингиз қалин бўлиши учун ҳафтада бир марта уларга кастор ёғини суртишингиз мумкун. Киприклар сийраклашиб қолишини истамасангиз, макияж билан ухлашга одатланманг!

Агар муаммоли жойга ҳафтада бир-икки марта йигирма дақиқа давомида оддий хантал (горчичник) қўйсангиз,

Целлюлитни йўқотса бўлади

Томоқ терисига эътибор. Ювинганингиздан сўнг, томоғингизга бодом ёғи суртинг ва юпка мато билан ёпинг. Эрталаб ёғ суртилган терингизни сут ва асал аралашмаси билан артиб олинг.

Дармондорига бой коктейл. 1 дона лимон, 2 дона олма, 2 дона бодринг, 2 дона сабзини гўшт қиймалагичдан чиқаринг ва ярим стакан қайнатиб, совутилган сув билан аралаштиринг. Аралашмани докадан ўтказиб, тонгда оч қоринга ичинг. Бу муолажани кун ора такрорланг.

Витаминли ниқоб. 1 боғ шивит, 2 дона редиска, 1 дона олма, 1 дона лимон, 2 чой қошиқ асал. Бу маҳсулотларни гўшт қиймалагичдан ўтказиб, асал билан аралаштиринг ва ҳар куни 15 дақиқага юзингизга ниқоб қилинг.

Қўлларингиз юмшоқ ва майин бўлишини хоҳласангиз, ҳар куни уларни ўсимлик мойи ва тухум оқи аралашмаси билан уқаланг.

Тирноқларга ҳар куни сутли ванна қилсангиз, мустаҳкам бўлади. Сутни 40 даражагача илитиб, тирноқларингизни 15 дақиқа давомида ивитинг.

Варикоздан сақланиш учун ҳафтада бир кун ўсимлик мойи ва қизил қалампир аралашмаси билан оёқларни уқаланг.

Ойдин



ЎРАМА КАБОБ

Керакли масалликлар: 500 гр қўй гўшти, 100 гр қуйруқ, 1 дона тухум, 1 дона пиёз, туз, зираворлар.

Тайёрланиши: Майда тўғралган пиёз, қўй гўшти, қуйруқ, тухум, туз ва янчилган зираворлар солиб, аралаштирилади. Сўнг кабоб шаклига келтириб, қиздирилган ёғда ҳар бири қовуриб олинади. Товага озгина сариеғ ҳамда ярим пиёла сув солиб, кабоблар терилиб чиқилади. Паст оловда 40 дақиқага димланади.

Ўрама тайёрлаш учун ун, туз, тухум ва сув аралашмасидан хамир қорилади. Тиндирилгач, бир неча бўлакларга бўлиб, кулчалар ясалади. Ҳар бир кулча сариеғда қовуриб, пиширилади. Ҳар бир тайёр кулчалар орасига биттадан кабобни қўйиб, ўралади. Ўрама кабоблар лycopчaгa сузилади. Уни дастурхонга тортишдан олдин помидор, бодринг, кўкатлар билан безатиш мумкин.

ҚИЙМАЛИ ОЛМА

Керакли масалликлар: 4 дона олма, 250 гр творог, 3 ош қошиқ шакар, 1 дона тухум.



Тайёрланиши: Творог, шакар ва тухумдан қийма тайёрланади. Олмалар ўртасидаги уруғидан тозаланиб, ичига қийма жойланади. Қиймали олмалар қизиб турган духовкада 10-15 дақиқа давомида пишириб олинади. Пишгач, устига шакар сепиб, дастурхонга тортилади.



ШИРИН СЎЗ» ПИРОГИ

Керакли масалликлар: 500 гр творог, 400 гр ун, 250 гр шакар, 10 та тухум сариғи, 5 та тухум оқи, 1 ош қошиқ сариеғ. Таъбга кўра лимон цедраси.

Тайёрланиши: Тухум сариғи шакар ва лимон цедраси билан аталанади ва творог қўшилади. Сўнг аралашмага оз-оздан ун элаб солинади. Тухум оқидан қаттиқ кўпик тайёрланади ва творогли қоришма билан аралаштирилади. Аралашма ёғ суртилган духовка патнисига солинади. Пирог 35-40 дақиқа давомида пиширилади. Тайёр пирог совутилиб, ромб шаклида кесилади ва дастурхонга тортилади.

«ФАНТАЗИЯ» ТОРТИ

Керакли масаллиқлар:

Тортнинг асосий қисми учун: 60 гр сариёғ, 1 ош қошиқ шакар, 4 дона тухум сариғи, 150 гр ун, 100 гр сут.

Начинкасига: 1 кг нордон олма.

Устига: 4 дона тухум оқи, 200 гр шакар.

Тайёрланиши: Сариёғ ва шакарни кўпиртириб, устига 4 та тухум сариғини битта-биттадан солиб аралаштирилади. Кейин ун ва сут қўшилади. Листга ёғ шиммайдиган қоғоз солинади. Қоғозни ёглаб, устига хамир квадрат шаклида солинади ва ўртача оловда 6-7 дақиқа пиширилади. Кейин листни олиб, хамир устига кичкина-кичкина килиб кесилган олма бўлаклари қўйиб чиқилади.

Сариғидан ажратиб олинган тухум оқлари 0,5 ош қошиқ шакар билан кўпиртирилади. Қуюқ кўпик устига қолган шакар солинади. Кўпиртирилган тухум олмалар устига қуйи-

лади ва 110-120 даражали духовкада 30-40 дақиқа пиширилади. Устига тухум оқи қуйилган хамир паст оловда сингиб пишиши лозим. Тортни дастурхонга тортиш олдидан уни кўпиртирилмаган шакарли қаймоқ билан безаш мумкин.

ТВОРОГЛИ «СЫРНИК»

Керакли масаллиқлар: 500 гр творог, 100 гр пишлоқ, 3 ош қошиқ ун, 1 чой қошиқ сариёғ, таъбга кўра туз ва шакар.

Тайёрланиши: Творог, шакар, туз, ун ва тухумдан хамир қорилади. Унга майда қирғичдан ўтказилган пишлоқ қўшилади ва яхшилаб аралаштирилади.

Тайёр хамирни ёйиб, шакл берилади ва ёғ суртилган товага қўйиб, 5-7 дақиқа духовкада пиширилади.

Ойдин



ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

• Пиширилган гуруч оппоқ бўлиши учун озгина сирка кислотаси қўшиш кифоя.

• Агар салат солинадиган идишга саримсоқ пиёз суртиб чиқсак, салатимиз хуштаъм бўлади.

• Балиқдан тайёрланган салатларни соус ёки кетчуп билан, ёғли балиқдан тайёрланган салатларни нордон қайла билан истеъмол қилган маъкул. Лаҳм гўштдан тайёрланган салатларга эса тухумдан, қаймоқдан тайёрланган қайла қўшиш тавсия этилади.

• Пичокдан балиқ ҳидини кетказиш учун туз ва ўсимлик ёғидан фойдаланилади.

• Қайнатилган гўшт сувли ва юмшоқ бўлиб пишиши учун қайнатилаётганида сувга лимон кислотасидан озгина микдорда солиш керак. Гўштга тузни пишишидан олдин солиш тавсия этилади.

• Саримсоқ пиёз салатни дастурхонга тортишдан олдин қўшилади.

• Агар гўштни олдин ювиб, сўнг лимон шарбати билан аралаштириб олинса, узоқ вақт сақланади.

Лимонўтнинг барги ва ўзаги гўштни узоқ сақлашда ёрдам беради.

• Яхлатилган парранда гўштини иссиқ сувга солиб эритиш тавсия этилмайди.



• Кўк пиёз ювмасдан сақланса, узоқ вақт барра ҳолида туради.

• Салат учун ишлатиладиган парранда гўштини қайнаб турган сувда пиширган маъкул.

• Сабзавотлардаги витамин ва минерал тузлар уларнинг шундоққина пўчоғининг остида бўлади, шунинг учун иложи борича уларнинг пўчоғини юпка қилиб арчиш лозим.

• Агар сабзавотлар йирик тўғралса, витаминлар ўзида сақланиб қолади. Сабзавотларни ишлатиладиган пайтда арчиш ва тўғраш тавсия этилади.

• Кичик бодринг, сабзи, редиска каби сабзавотларни таомга пўчоғи билан солингани маъкул.

• Пўчоғи билан пиширилган картошка ўзидаги витаминнинг 20 фоизини, пўчоғи арчилиб пиширилгани эса икки бировбар кўп витаминни йўқотади.

• Сабзавот пиширилган сувни бошқа таомларни тайёрлашда ишлатиш тавсия этилмайди.

• Кўкатларни тайёр таомга қўшган маъкул, мабодо пиширилса, 10 дакикадан кўп қайнатмаслик керак.

Ойдин

